

Ахборот хизмати

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ БОШ МЕЪМОРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Амир Темур бунёдкор сиймо эди, Ислом Каримов ҳам бемисл бунёдкор эканини намойиш қилди. Бу улуг сиймоларнинг, бири олти юз йиллар олдин, иккинчиси кейинги йигирма беш йил ичида Ватанимизда қурган бинолари, тиклаган шаҳарлари, улкан бунёдкорлик ишлари бугун жаҳонни ҳайратга солмоқда. Ислом Каримов буюк бобосидан кўп фазилатларни олишга интилар эди. У доимо столи устида турадиган "Темур тузуқлари"ни муролаа килишини, ундан ўзини қийнаган саволларга

УЛУҒ ЙЎЛ ДАВОМ ЭТАДИ!

жавоб топа олишини фахрлиб гапирар, ёшларни бу нодир китобни ўқиб-ўрганишга даъват этарди. Ислом Каримов ёшлари жуда яхши кўрар, самимий оҳангда, чин юракдан: "Барчангиз менинг фарзандларимсиз!" дер, уларни келажакимиз деб ардоқлар эди. Ана шу юксак эътибор туфайли ёшларимизнинг камолга етишида кўп имкониятлар яратиб берилди. Биргина мисол: спорт соҳасини олсак, уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақаларининг ташкил этилиши ўхшаши йўқ, ўзига хос ноёб ҳодисадир. Унинг оламшумул илк натижаларини кўрмоқдамиз. Мана, Рио-де-Жанейродаги Олимпия ўйинларида ўзбек спортчилари еттигата олтин, иккита кумуш, тўртта бронза медалини кўлга киритдилар ва дунёни қойил қолдирдилар. Маънавий соҳада ташланган қадамлар ҳам залворли. Юртбошимизнинг биргина Соҳибқирон Амир Темурни халқимизга қайтариб берганининг ўзи тарихимизда бемисл ҳодиса, буюк қахрамонлиқдир! У киши Соҳибқирон Амир Темурдай буюк сиймо билан чексиз равишда фахрланарди. Амир Темур шаънини кўтариш — халқимиз шаънини кўтариш демакдир. Ёки Ислом ака айтганидай: "Амир Темурни англаш — ўзликни англаш демакдир".

Бутун Ватанимизнинг халқаро майдонда юксак эътибор ва эътироф топиши барчамизнинг кўнглимизга гурур бағишламоқда. Ўзбекистон мустақиллиги гарчи 1991 йил 31 августда эълон қилинган бўлса-да, бунинг заминини яратиш борасидаги ишлар Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг шижоати, қучли сиёсий иродаси, маънавий жасорати боис 1989 йил июн ойидан бошланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мустақилликка эришишга давлатимиз раҳбари ҳаёт-мамат масаласи сифатида қаради. Мухтарам Юртбошимизнинг боқий асарларида мустақилликнинг асл моҳияти, бизнинг келажак йўлимиз аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган. «Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли кенг қамровли китобни чуқур ўрганиш асосида «Ким эдигу ким бўлдиқ? Эртага юм бўлишимиз, қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?» деган ҳаётий саволларга жавоб топгандек бўламиз. Мустақиллик йилларида одамларимиз истиқлолга қадар кўп йиллар давомида шаклан овоз, моҳиятан эса қўлиқ ҳолатида яшаб келганини англаб етди. Халқимиз бошидан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантиришга мутлақо йўл қўйилмаган. Аксинча, халқимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафзурани турли йўллар ва ўзравонлик билан жорий этишга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлариданок миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш энг долзарб ва ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди.

Бундан йигирма беш йил олдин Ислом Каримов Ўзбекистоннинг истиқбол йўлини белгилаб берар экан: «Ишонинлар, Ўзбекистоннинг келажаги, албатта, буюк бўлади», деган даъваткор сўзларни айтганларида, сир эмас бунга шубҳа билан қараганлар ҳам бўлган. Ҳозир эса юртдошларимизнинг бирортаси ўзини ўтган асрдан 90-йиллардаги кайфият билан юрган инсон деб ҳисобламайди. Мустақиллик арафасида ва истиқлолнинг дастлабки кезларида бутун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий муаммолар қамраб олгани, таъминотдаги ўзилишлар, собиқ марказдан келатган таҳдидлар жамиятдаги тангликни янада жиддийлаштирган, бунинг устига, ўз умрини яшаб бўлган сохта тузум таррафдорларининг турли фитна-найранглар, узоқ-яқиндан келатган хуружлар кўпчиликнинг ёлдида. Ўша қалтис давларда аҳолини ўнглаш, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, одамларнинг мустақиллигимизга бўлган ишончини сувайтирмаслик учун кескин, аммо пишқиқ-пухта, халқимиз манфаатларига ҳар жиҳатдан мос чоралар кўриш, адолатли қарорлар қабул қилиш, бунинг учун эса бутун масъулиятни зиммага олиш зарур бўлди.

Шу вақтдан бошлаб мухтарам Ислом Каримов бошчилигида ўзбек халқининг қадриқимматини тиклаш ва уни ҳимоя қилиш жараёнлари бошланди. Кадрлар сиёсатида «жиддий ўзгариш» из берди. Маҳаллий кадрларга бўлган талаб ва эътибор кучайтирилди. Таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг республика раҳбарлигига келиши мамлакатнинг жуда оғир ҳолати — ижтимоий-иқтисодий ҳалокат ёқасига келиб қолган даврига тўғри келади. Бу ҳақида Л.Левитин "Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида" асаридида шундай ёзади: «Ислом Каримов ҳокимият барқарорлигини кўлга олган пайтда Ўзбекистон ҳалокат ёқасига келиб қолган эди. Энди ҳеч ким фожиали воқеалар оқими ортига қайтара олмайдиганга ўхшарди. У ҳокимият тепасига мамлакатни бало-қазолардан сақлаб қолувчи ҳақиқий халоскор Раҳнамо сифатида келди».

Ислом Каримов ўз раҳбарлигининг дастлабки кунларидан мамлакатда миллатидан

Умуман олганда, тарихимизга мутлақо янги ҳаёт ёндошишни бошлаб берган зот мухтарам Юртбошимиз ҳисобланади. Биринчи Президентимизнинг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласи бутун қалам аҳлига нисбатан улкан жонқуярлик ва меҳрибонлик туйғулари ўзидида ифода этади. Рисола Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмасининг дастури-ламалига айланган. Ислом Каримов қалам аҳлини ўзига жуда яқин тутар, адибларни янги ва яхши асарлар ёзишга илҳомлантирар, ижодкор зотини авайлар, туриш-турмушидан доим яхши хабардор бўларди. Учрашувларда Ўзвучилардан, қандай асарлар ёзаётгани ҳақида сўраб-суриштирар, китобини тезроқ битиришга даъват этарди. Ўзимдан қиёс: доим бирор нарса ёзсам, шуни Ислом ака ўқийдилар, деган тушунчада бўлардим, бу нарса мени ҳаммаша ҳушёр туришга ундар эди. Менимча, бошқалар ҳам шундай ҳолни бошдан кечиришган бўлса, ажабмас. Чиндан ҳам, асарларимизни ул зот ўқирдилар, асарларимиз ҳақидаги фикрлари бизга етиб келарди.

2016 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва вазоклатларини бажаришни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев зиммасига вақтинча юклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қўшма мажлисда мамлакатимиз Бош вазирининг маърузасида эртанги кунга бўлган улкан ва қатъий ишонч туйғулари уфуриб тургани, салобат ва босиқлик ўз аксини топгани бутун халқимизнинг кўнглини кўтарди. Ҳар бир ватандошимиз халқимиз, давлатимиз тақдир ишончи кўлларда эканига ишонч ҳосил қилди. Ҳа, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошлаган ишлар асло тўхтамайди. Улуғ йўл давом этади!

**Мухаммад АЛИ,
Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси раиси,
Халқ Ўзвучиси**



лари Ўзбекистон Президенти билан учрашувлардан олган таассуротлари ҳақида гапирар экан, қуйидагиларни таъкидлади: «Ўз юртида мустақил давлатни барпо этиш борасида улкан тажрибага эга, мамлакатининг гуллаб-яшнаши йўлида мисли кўрилмаган ишларни амалга ошираётган катта донишманд ва Буюк Йўлбоши билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлдим. Ўзбекистон Президенти — мавжуд воқеликдан келиб чиқадиган ва узоқ келажакни олдиндан кўра оладиган, жаҳондаги барча муҳим муаммоларни — бу минтақавий ҳамкорлик ёки бутун дунёдаги ўзгаришлар бўлаётгани — ҳамма масалаларни донишмандларча ва чуқур таҳлил эта оладиган, глобал стратегик фикрлаш қобилиятига эга инсон. Ўзбекистон Президенти нуфузи миллиарддан ортиқ Хитой халқининг ҳақли равишда катта дўстидир. Ислом Каримовдан кўлаб ҳаққоний ва теран маъноли фикрларни эшитдим ва уларнинг барчаси мен учун жуда фойдали ва ибратли бўлди».

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг бетакор аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, «Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» китобида шундай дейди: «Биз ўз олдимизга қўйган буюк мақсадлар йўлида ўтган йиллар мобайнида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар — ўзлигимизни англаш, инсоний шаънимиз, гурур-ифтихоримиз, тарихимиз, муқаддас дину диёнатимизни тиклаш, миллий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг қўламли ишларимизни, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, қани, айтнинг, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинми-ди? Бунга жавоб битта: йўқ ва асло йўқ».

Ўзбекистонда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишдан иборат буюк мақсадимиз барчамиздан «Ўзаал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!» деган даъваткор сўзлар эл-юртимизнинг қалбиди, юрагиди чуқур акс-садо бермоқдаки, бу барчамиздан ушбу Бош ғоя атрофида бир тану бир жон бўлиб, фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилишни талаб этади.

**Шариф ҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ академияси доценти**

Абадият

Бундан чорак аср муқаддам лоқайдлик, бепарволик ва нописанд қарашлар туфайли биз ана шу учинчи идишдаги сув ҳолига келиб қолгандик.

Самимийлик дунёдаги энг яхши сўз, тўғрироғи, энг яхши ҳислат менинг назаримда. Она гўдагини бағрига босганда бахтдан энтиккан юз-қўларини кўрганмисиз? Ёки қўчогини кенг очиб сизга интилган дилбандингиз, яқинларингизнинг оғушида меҳр ҳиссини-туйганингизда-чи... Самимийлик билан кўрсатилган меҳрдан ҳам кўра оташроқ яна нима бор дунёда. Биз 25 йил давомида ана шундай бахтдан, кечис меҳрдан ҳузурланганини ўргандик. Одамларга яхшилик қилиб завқланишни, уларнинг эришаётган ютуқларини қўриб фахрланишни, эътибору рағбатга яраша жавоб беришни ўргандик.

Қачонки ҳар бир сўз юракдан айтилса юракларга етиб боради. Сўзни юракка, қалбга етказиш учун, аввало, инсон ўзига ишонч уйғота олиши керак. "Мен сизга ишонаман", "Мен сизни яхши кўраман", "Мен сизга суянаман", деган юракдан чиққан сўзларнинг куч-қудратини мана бугун қўриб турибмиз. 25 йил давомида бизда ўзимизга бўлган ишонч, умид уйғонди. Ўзбекистонимизнинг фақат шундай яхши гаплар, қалбдан отилиб чиққан мўъжизакор самимий каломлар туфайли бўйи осмон қадар кўтарилди.

Биз мағрур халқмиз. Аммо ўтмишдаги турли камситилишлар туфайли бошимиз эгилди. Бироқ "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам", деган даъват, юракдан отилиб чиққан ана шундай жарангдор, "Ким эдигу ким бўлдиқ", деган оташ сўзлар бизнинг бошимизни баланд кўтарди. Элим деб, юртим деб ёниб яшамоқ ҳисси юрак-юрагимизнинг туб-тубига кириб борди. Ва биз мағрурликни, гурурланишни ўргандик. Озодликнинг, ҳурриятнинг нақадар тотли неъмат эканлигини калбимиздан ҳис қилишни ўргандик. Азал-азалдан бунёд бўлгану тан олинмаган, топталган аждодларимизнинг кашфиётларини кўз-қўлашни, улуглиги билан мактабини, уларни кўз-қорачиғидек асраб-авайлашни ўргандик. Етти ёшдан етмиш ёшимизгача биз буюк даҳоларнинг авлодимиз деб тортинмай кўксимизга уришни

ўргандик. Аждодларимиз тугган маёқни баланд кўтариб бутун дунёни айландик.

Ҳар бир инсоннинг, ҳар бир жоннинг ўзига хос биомайдони бўлади. Яхши биомайдонли одамга ҳамма энтиқиб талпинади. Буни биз чорак аср давомида ҳар кун, ҳар лаҳзада кўрдик, гувоҳи бўлдик. Биз мана шу даврда бағрикенгликни, олижанобликни ҳар лаҳзада ҳис қилиб яшадик ва чексиз меҳрибонликни диллимиздан ўтказдик. Дўстларимиз билан, яқинларимиз билан, меҳмонлар билан чин дилдан қўл сиқиб ҳол-аҳвол сўрашишни, унга тинчлик

тилашни ҳар доим бурчимиз деб қарадик. Алал-оқибат бу биомайдон шунчалар кенгайдики, энди фақат бир инсонга эмас, бутун Ўзбекистонга

ҳамма ошиқадиган ва юртимиз ҳам барчага қўлочини кенг очиб пешвоз чиқадиган бўлди. Юртимиз дунёнинг тинчлик ва осийшталлик, эзгулик ва бағрикенглик майдонига айланди. Азал-азалдан меҳмондўст халқ эмасмизми, 25 йил давомида ана шу меҳмондўстлик фазилатларимиз янада сайқалланди. Не-не мамлакатдан не-не одамлар келиб кетмади юртимизга. Уларнинг ҳар бир ташрифини қўчқор очиб қўтиб олди. Ўзбекистон деганда бошқа мамлакатлар, меҳмонлар хотирасида гуллаб-яшнаган, ораста юрт қолиши учун керак бўлса уларни қўтиб олишга ухламай тадорик кўрдик. Ва ана шундай таассурот уйғотишга эришдик ҳам. Меҳмондўстлигимиз, бағрикенглигимиз туфайли юртимиз тобора гуллаб-яшнамоқда. Тажрибада исботланганидек, эзгу тилаклар, самимий ниятлар, улуг умидлар туфайли лойқаланган суваримиз тиниқлашди, эжилган ниҳолларимиз кўкка бўй қўзди, Ўзбекистон бугун ҳушбўй ифорили, илдизлири бақувват серҳосил дарахтга айланди.

Самимий, бағрикенг, мағрур ва Ватанпарвар миллатни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Ана шундай маънавиятли халқ — қўзлари чакнаб турган юртпарвар ёшлар, оиланинг чароғбони аёллар, оналар, тинчлик ва осийшталликнинг қадрини бизга ҳар лаҳзада эслатиб турадиган бо-бою момоларимизнинг бахти учун, озод ва обод Ватанимиз — барча-барчаси учун Буюк Бунёдкоримизга ташаккурлар бўлсин!

**Барно СУЛТОНОВА,
"Шўхрат" медали соҳиби**

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

2014 йил 25 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг стипендиясига сазовор бўлганлар рўйхатида "Маданият, санъат ва спорт" йўналиши бўйича исм-фамилиямиз эълон қилинганда, ич-ичимдан тўлқинланиб, "Наҳотки, мен ҳам шундай улуг эътирофга муносиб кўрилган бўлсам", дея қувонган эдим. Ушбу танловда иштирок этиш жараёнида зиммамда нафақат ота-онам, менга таълим берган устозлар, профессор-ўқитувчилар, институтимиз раҳбарияти, биринчи навбатда Биринчи Президентимизнинг биз ёшларга билдирган ишончи, масъулияти турарди.

Оғир мусибат бошимизга тушганда ҳам ҳамма учун бирдек азиз бўлган улуг инсон — Ислом Абдулганиевич Каримовнинг ҳаммаша ёшларга далда бўлгуви "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз", деган лутфлари беназир Йўлбошимизнинг нурли чеҳралари тимсолида кўз олдимда турарди. Бу йил қизалоғим 1-синфга қадам қўйди. Мактабнинг илк куниданок Президент совғаси билан уйга қайтди. Унинг юзиданги хурсандчиликни, қалбидан қайнаб чиқаётган ҳис-туйғуларини фақат оналар кўра олади. Унинг тилида фақатгина шу гап: "Президент бобо менга совға бериб юборибдилар. Уларни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман". Қизимга қараб кўз ёшларимни тўхтатолмайман. Илоҳим, Отажонимизнинг руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин. Ўзбек халқининг қалбидан чуқур жой олган, ҳаттоки энг дилига мактабга, келажакка қадам қўяётган фарзандларимиз кўнгли-

га йўл топган буюк инсоннинг хотираси абадийдир.

Давлатимиз раҳбарининг ёшларга билдирган ишончлари ва яратиб берган улкан шарт-шароитлари, мусоффо осмон, тинч ва хотиржам ҳаёт фақатгина яхши ўқиш, тинмай изланиш ва ўз соҳамизнинг етук мутахассислари бўлиб етишишни талаб қилади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда барҳаёт. Уларнинг ёшларга билдириб кетган ишончлари бизни келажак сари дадил қадам ташлашга ундайверади.

**Асалхон
РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Миллий рассомлик ва
дизайн институти ходими**

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги муҳим жараён — Ўзбекистон Республикаси Президентини қизғин ҳозирлик қўришмоқда. Амалдаги қонунчиликка биноан фуқароларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги иштироки, уларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва эркинликлари демократик сайлов жараёнларида фаол қатнашиш орқали намоян бўлади. Конституция-

миссиялари фаолиятини ташкил қилиш ва уларнинг асосий вазифалари, миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнги ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти тўшунтирилади. Сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари, халқаро сайлов стандартлари, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолиятлари, сайловнинг очик ва ошкоралигини таъминлашда мубтот марказларининг вазифалари кўрсатилиб берилади. Кузатувчилар институтининг сайлов жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, округ сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий жиҳатлари, шунингдек, сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маърузалар тингилди.

Марказий сайлов комиссиясининг видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилган мажлисда мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги вазоклатдорлари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи сайлов уштакларини тузиш ҳақида уларни 14-Тошкент шаҳар сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

6 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европада ҳафсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори Жон Макгрегор билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонда демократик ташаббатга тўла жавоб бериладиган замонавий сайлов тизми яратилгани ва мамлакат фуқароларининг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминлаётгани, айни чоғда, халқаро сайлов меъёrlари ва тамойилларига мос сайлов қонунчилиги шакллантирилганини рўй-рост эътироф этарди.

4 декабрь — сайлов куни

Юлдуз ЎРМОҲОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати

МЕХР БОҒИДА

САДОҚАТ

Кафтини тафтин, ерининг меҳрин туйувчи —
Қордай авайласак Ўзбекистонни.
Ўздан-да қизғониб, ёниб суйувчи
Ёрдай авайласак Ўзбекистонни.

Бу замин бағрига юлдузлар бўйлар,
Мудом муҳаббатга тўлар дил ўйлар,
Қўнгилда тоабд меҳрин қуйлар
Тордай авайласак Ўзбекистонни.

Абад қалби уйғоқ ўтган зотлар бор,
Юрт юкин елкага ортган зотлар бор,
Туғилган ҳар фарзанд — қатордаги нор,
Нордай авайласак Ўзбекистонни.

Унутилмаган ҳеч сўзларимиз ҳам,
Мангу муҳаббатга изларимиз ҳам,
Қандай ёруғ бўлган юзларимиз ҳам,
Ордай авайласак Ўзбекистонни.

ЕР ҲАҚИДА

Тоғлар само сари интилган тупроқ,
Айтолмас дардининг рўю-ростини.
Яшасак шод бўлар ҳар недан кўпроқ,
Оёғости қилмай оёқ остини.

У ўздан бошқа ҳар нега малҳам,
Меҳри илоҳий бир нур-ла ўралган.
Ишқ уруғин сочган Одам Ато ҳам
Ойдан яралмаган, лойдан яралган.

Қуёш қуйдирмаган кўксини ногоҳ,
Олов ёқса сабрим ёқар бирма-бир.
Заррадек ёриққа нигоҳ тушса гоҳ,
Юрак жимирлайди чеккадай жабр.

Олис йўл турибди менинг олдимда,
Илдиздан узилмай булутлар ошай.
Бир бахт бер, Художон, сенинг олдинда
Ер юзини ерга қаратмай яшай...

ОШИҚЛИК

Барча ошиқдир муҳаббат кўйида...
Румий

Осмон бўлди муҳаббатнинг кўйида,
Алвон бўлди муҳаббатнинг кўйида.

Бу ақлсиз бир юракким оқибат,
Хазон бўлди муҳаббатнинг кўйида.

Илдиздан ишқ бўлиб унган руҳим
Ларзон бўлди муҳаббатнинг кўйида.

Туйгуларим, уйқуларим, ўйларим
Сарсон бўлди муҳаббатнинг кўйида.

Латофат БОБОЖОНОВА

АНДИША

Гар нафасим эшитилмаса,
Нигоҳларим йўқолса буткул.
Чикармоққа шошманг хулоса,
“Алvido”, деб кетсам ҳам бир кун.

Ёлғизликдан норози бўлиб,
Юрагимда қилманг галаён.
“Эсламадим”, десам ҳам қулиб,
Соғинганим ўзимга аён.

Интизорман худди сиз каби,
Орзу қилиб бахтлиман мен ҳам.
Хомушлитим якка сабаби —
Муҳаббатим кўролмаб баҳам.

Сиз ошкора қиласиз изҳор
Жавобини кутиб ҳамisha.
Асли мен кўп чекаман озор,
Қўлим тутган гурур, андиша...

МАЪНАВИЙ БОЙЛИК

Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
бош муҳаррир ўранбосари, танаққил ёзувчи Собир Ўнар билан сўхбат

— Миллий ва маънавий кадриятларни асраб-авайлаш зарурати кучайган глобаллашув шароитида китобга муносабат ҳам ўзгаргани сир эмас. Интернет тармоғи кўпчилигини, айниқса, ёшларни кўпроқ жалб этаётгани ҳам бор гап. Шундай бир шароитда китоб, ноширлик, китобхонлик ишлари кадриятларимиз билан боғлиқ долзарб вазифаларга айланаётган. Шундай эмасми?

— Албатта, бусиз мумкин эмас. Нафақат китоб наشري ва тарғиботи кучайтириш, шунингдек, бу соҳанинг ривожини ошириш ҳам талаб этилади. Тўғри, интернетдан текзор маълумот оласан, қизиққан бошқа саволларингга жавоб ҳам топасан, ҳатто ўзинг ўқимокчи бўлган йирик жанрдаги асарнинг қисқа мазмунини жойлашган сайтларга ҳам кирасан. Бироқ, айтинг-чи, шу сайтлардан Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романини, Михаил Шолоховнинг “Тинч Дон” эпосеясини, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романларини ўқиб, уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб бўладими?

Назаримда, бугунги кунда нашриётлар фаолияти янада жадаллашган. 2011 йилда Ғафур Ғуллом нашриёти томонидан чоп этилган Алишер Навоийнинг ўн жилдли тўла асарлар тўплами аллақандай сотилиб кетди. Ушбу тўплам қайта нашрга тайёрланаётганидан хабарингиз бордир. “Янги аср авлоди” нашри-

Ҳеч ким дил берма, деган оғтиларим
Ёлғон бўлди муҳаббатнинг кўйида.

Оловларим, аламларим, рашкларим
Пинҳон бўлди муҳаббатнинг кўйида.

Халоватим, хаёлотим боқсам-о
Ҳар ён бўлди муҳаббатнинг кўйида.

Сен томон бир Юлдуз учар, Танграм, ул
Қурбон бўлди муҳаббатнинг кўйида...

ТУЮҚЛАР

Муҳаббат илоҳий оловмиш, ўтмиш,
Кимдир айтар бу ҳис бир кунни ўтмиш.
Юрагининг кўзлар аро яширма, Юлдуз,
Бўлса ҳамроҳ бўлсин юракка абад,
Бўлмаса бўлмасин яримга ўтмиш.

Қўнгил боғи баҳор келмай гуллаб берар,
Гоҳ шабнамга, гоҳ нурга гул лаб берар.
Юрагининг кўзлар аро яширма, Юлдуз,
Сирларингни саболарга “гуллаб” берар.

Сенга меҳрим — кўрмана,
Юрагини кўр, мана.
Яхши кўрмай ўлай мен,
Қанчалар ҳам кўрман-а...



Нуржаҳон УБАЙДУЛЛАЕВА

ОЙДУН ОРЗУЛАР

ЙИЛ БҲИ БАҲОР ДЕБ

Сен худди баҳорда гуллаган,
Ўрикнинг гулига ўхшайсан.
Сен қишнинг нелигин билмасдан,
Йил бўйи баҳор деб яшайсан.

Қўнглингда очилар гулчалар,
Шаббода эркалар шивирлаб.
Ёғса гар бошинга ёмғирлар,
Тўкилиб кетарсан шитирлаб...

Орзусиз, тилаксиз дил мисол
Қақдайиб қолади бир оғоч.
Бекорга эгилмас мажнунтол,
Бекорга гердайима, кўзинг оч.

Ҳар сафар шаҳардан уйга борсам, аввало,
бобом билан бувимнинг хузуруларига ошиқаман. Шаҳарнинг шовқинидан чарчаган, ҳаловат, оёйишталик истаган қўнғилга қишлоқнинг шабадада шивирлашган тераклари, жилдираб оқатган ўйноқи сойининг овози хуш ёқади. Дарвозадан секин мўралаб ҳовлига назар солсам, бобом доимидек ўзи авайлаб ўстирган дарахтлари атрофида қуймаланиб юрган, бувим эса қўлига теша-часини олиб райхону турфа гулларининг тагини юмшатаётган бўлади. Иккиси-да бирдек ерни севади. Умр бўйи мана шу тупроққа меҳрини бериб, ҳар қадаган ниҳолини боласидек асраб ўстирган. Мана энди кўринг, жаннатга айланган ҳовлининг файзу тароватини. Мени кўрган заҳоти иккиси ҳам юмушини ташлаб, кучоқ очиб бағрига босишади, тезда дастурхон ёзиб, борини тўкишади. Ширин дийдор, гурунлардан сўнг дарров кетиш тадоригини кўраман. Бобом бирров бувимга имлаб қўяди. Бувим ҳам шуни кутиб тургандек, зипиллаб уйга кириб кетади-ю, қўлида тугунча билан қайтиб чиқади.

— Талабалик осонмас. У-бу нарсанга ишлатарсан.

Бувим тугунчани қўлимга тутқазади. Бу ҳолат ҳар сафар такрорланади. Ўқшдан шошиб келаман-да, тезгина ҳол-аҳвол сўрашиб, кетаманга тушаман. Қўлимда эса яна ўша “у-бу нарсанга” аталган тугунча. Менинг ярим асрдан буён бир-бирига қайишиб, бирга яшаб келаётган қўш чинорларим шаҳарда тинч-омон юришимни, яхши ўқиб, яна қишлоққа қайтиб келишимни такрор айтиб, дуо қилиб қолишди ортимдан. Қўнгли пахтадек сочлариданда оқ, эзгуликни, тинчликни, саломатликни

тилаган дуолар сабабдир менинг тан сихатим, мудом яхшиларга ҳамроҳлигим. Камтарин ва камсуқум бундай инсонлар фақат ўзлари мисол зуваласи пок ва тоза жойларда яшаса керак, деб ўйлаб қоламан баъзида.

Шаҳарга қайтдим. Соатнинг югурик милларига қўшилиб биз-да юғраимиз, шошамиз. Бирровда ён-атрофимизга назар ташлаб, бизга ҳамроҳ инсонларнинг кайфияти-

ЖОНДАҲ АЗИЗ ОДАМЛАР

ни, соғлигини сўрашга-да ҳафсаламиз етмайди.

Бир куни курсдош йигит-қизлар билан йиғилиб, шаҳарнинг ҳуснига хусн қўшиб, янада обод қилган “Хадра” майдонига кўприк сари отландик. Атрофга таралаётган чаман-чаман райхонларнинг ифори юрагимни ўзимга таниш хислар билан тўлдирди. Сарбанд дарахтларнинг соясида салқинлаётган кекса ёшдаги бобо-бувиларни кўриб янада завқим келди. Фавворага яқин ўриндикларни банд қилиб, хушманзарани томоша қила бошладик. Шу пайт юзидан нур ёғилиб турган нуроний отахон бизга ақинлашиб, сўхбатимизга қўшилдилар.

— Бир гап айтсам хафа бўлмайсизларми? — деб қолдилар гап орасида. Биз бир овоздан “Йўқ, бемалол”, деб жавоб бердик.

— Менинг ҳам бир этак набираларим бор. Улар ҳам худди сизлардек талаба бўлиб юрсин, деб ният қилдим, — сўзида давом этди отахон, — шунинг учун ҳозир ҳаммаларингга музқаймоқ олиб бераман.

Биримиз хоҳлаб, биримиз хоҳламай “йўқ”, дейишимизга ҳам қарамай отахон барчамизни

меҳмон қилди. Сўнгра тинчликни, омонликни, юртнинг оғирини енгил қиладиган фарзандлар бўлиб етишишимизни дуо қилиб, йўлида давом этди. Ана кўринг, энди хурсандчилики. Барчамизнинг юрагимиз нурга тўлди. Хотамтой бобонинг бир оғиз ширин сўзи, озгина ҳиммати шавқимизни тошдирди. Шу онда юзидан нур таралиб турадиган саховатли, меҳрли бобом билан бувимни ёдга олдим. Йўқ, бундай инсонлар фақат қишлоқда эмас, фақат Ўзбекистонда, менинг диёримнинг ҳар турфа чеккаларида

яшаб, умргузаронлик қилаётганликларини аңгладим. Уларнинг сийрати бир хил: дилида шукрона, фақат тинчликни, мусоффо тонглар, ёруғ кунларни тилашади, фарзандлари, кўйинини тўлдирган набираларининг камолини, истиқболни сўраб дуога қўл очишади. Муқаддас китобларда айтилишча, киши ҳар куни ўзида муҳассам нарсаси учун шукрона айтса, унинг давлати биргина шукрона айтиши орқали унданда афзалроқ, мўлроқ бўлиб бораверар экан. Озод ва обод Ватанимизнинг тинчлиги ва оёйиш кунлари тинимсиз дуода бўлиб, дили-ю, тилида мудом шукрона келтирган бобо-бувиларимиз тугайли эмасмикан?

Омон-омон замонларда яшамоқдамиз. Бошимиз кўк билан бўйлашган азим чинорлардан-да баландроқ. Бу фаровон ҳаётда мақсадларимиз ҳам осмон-осмон. Ўзимиз истаган таълим даргоҳларида ўқимокдамиз, ниятларимиз рўйбени эса ҳаракат ва интилишларимиз орқали кўраверамиз. Фақат бу кунларни, жондек, қўйингки, жондан азиз неъматларни, қўнғилдаги энг соф инсоний туйғуларни, эътиқод-у эзгуликларни асраб-авайлаб, қадрига етиш керак.

Вазира ИБРОҲИМОВА

Гулзора АҲМЕДОВА

ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

Ватан, дея қуйлагайман шўх,
Қуйларимнинг охир, сўнги йўқ,
Бу дунёда танҳо, тенги йўқ,
Ватанимга хизмат қиламан.

Ҳар дарахту япроғида бахт,
Қилпираган байроғида бахт,
Олтинга тенг тупроғида бахт,
Ватанимга хизмат қиламан.

Қувонаман камолин қўриб,
Ўзбекман, деб кўксимни кериб,
Фарзандларин сафиди туриб
Ватанимга хизмат қиламан.

Қўлимдан тут, ёнимда тур, дўст,
Қадам ташла тенгма-тенг юр, дўст,
Юрагимда улкан гурур, дўст,
Ватанимга хизмат қиламан.

Тилда ширин каломим билан,
Шу шеърият оламин билан,
Мангу синмас қаламим билан
Ватанимга хизмат қиламан.

Баҳодир БАҲРОМ

СЕНИ СЕВАМАН, ШАБНАМ

Шамолми шитирлаган,
Депсиндими ё отим?
Тонг бағрида титраган
Шабнам — менинг ҳаётим.

Бу хушхабар, ё хатар
Не бўлса ҳам майли-да.
Қўнглим сени ахтарар
Шабнам, гуллар сайлида.

Асли сенсан ҳаётим,
Юракдаги оҳим сен.

Зеро, тахририятларда қўлғемаларга талабчанлик билан ёндашилади, узоқ батафсил, кўп билан муҳокама қилинади... Шубҳасиз, ҳар доим истеъдод ва билим, ҳафсала, хотира муҳаррирга қўл келган. Нўноқлар, ўқувчилар аввал ҳам бор эди, бугун ҳам йўқ эмас. Нашриётимиз бу борада ўзининг бой тажрибалирига таяниб иш кўраётгани мени қувонтиради.

Билиасиз, Ғафур Ғуллом нашриёти мамлакатимиздаги энг йирик ижодий ташкилотлардан бири. Атоқли шоирлар, адибларнинг сара асарлари, аслиятдан таржималар ҳам дастлаб шу нашриётда босилган. Ўз ишининг устаси бўлган муҳаррирлар, адиблар ҳамда чоп этилган асарларни бирма-бир санасак, рўйхат қўзилиб кетади.

Ҳозирги пайтда нашриёт-матбаа ижодий уйининг иқтисодий салоҳияти ошган. Гап шундаки, айни чоғда ижодий уйнинг нашр бўлимида етарли даражада ижодий куч, салоҳиятли жамоа ҳам бўлган. Яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар тўғрисида мумтоз, фольклор, таржима, болалар адабиёти, назм, наср, драматургия йўналишларида яратилган асарларни нашрга тайёрлайдиган тажрибали муҳаррирлар тўпланган. Ижодий кучга тўлган бу мутахассислар жамоаси кўп ва микёсда ишларни амалга ошириши мумкин. Истиқболдаги режамиз ҳам нашриётимиз нуфузи ва ноширлик бозоридаги мўқим ўрнини янада юксалтиришдан ибратдир.

Хуршид АБДУРАШИД

МАКТУБ

Оқшом яна қўшин ташлади,
Соғинч мени қуршади тагин.
Китобидан узиб олибман
Ҳаётимнинг битта арағин.

Нега мени таъқиб этасан,
Ҳаёлимда айланиб бот-бот.
Ё сен билан боғлиқми умрим,
Ё сен билан толганим ҳаёт?

Сен-ку мени эсламайсан ҳам
Хотирага бўлмайсан тутқун.
Юрагининг тўб-тўбларига
Мени қўмиб қўйганинг учун.

Менсиз...
Тўйиб нафас оласан,
Бахт қафтинга қўнади секин.
Ҳаммаси ҳам жойида, тўқис
Сенга недир етмайди лекин.

Бу нимадир, мен ҳам билмайман,
Ҳа, мен сендан эмасман фарқин.
Саволинга изланган жавоб
Юрагининг тубида, балки...

Майсатор бағрида жим,
Ухлаётган моҳим сен.

Тунда юлдуз учдимни,
Ё кўшми жисмингда?
Айт, парилар тушдимни,
Наҳот ҳурлар измингда?

Ҳайронман. Қандай шунча
“Чирой сенда мужассам?”
Висолинган маст гулча
Тебраниб қўяр дам-дам.

Сени севаман, шабнам,
Қачон англаб етасан?
Қўлимга олай десам,
Дарров қочиб кетасан.

— Албатта, бугунги ижодий жараёнда ёшларнинг ҳам овози баралла эшитилмоқда...

— Адабиётда авлод кетидан янги, ёш авлод келиши табиий жараён. Бугунги кунда адабиёт майдонида янги номлар — истеъдодли шоир, ёзувчи, адабиётшунос ёки таржимонларнинг пайдо бўлаётгани қувончли ҳол. Уларнинг излаишлари катта умид уйғотмоқда. Табиийки, уларнинг фикр-қарашини янгилаш, дунёга навиқрон нигоҳ билан назар ташлайдилар.

Улар нашриётларда, газета-журнал тахририятларида, телевидение-радиога ижод қилишга, олий ўқув юрларида тахсил олишга яти. Уларнинг ижод майдонига янроқ овоз билан кириб келаётгани адабиётимиз салоҳиятини, обрў-этиборини юксалтиришга ишонч уйғотади.

— Жорий йилда нашриёт қандай китоблар билан ўқувчиларни ҳушнуд этмоқчи?

— Нашриётимиз мумтоз адабиётимиз кутубхонасини илгаридан дурдона асарлар билан бойитиб келган. Нашриётнинг 2016 йилги режасига қарийб йигирма хил мавзу ҳамда йўналишни ўз ичига олган 250 номдаги китоблар кирилган. Уларнинг деярли ярми ўқувчилар қўлига етиб улгурди.

Улар орасида улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг “Хамса”сидан Махмуд Қошғарийнинг “Девону лугатит турк” тажрибана хисабидек, бугунги ҳаётимиздан, тарихимиздан ҳикоя қилувчи насрий ва назмий асарлар, янги таржима китоблар ҳам бор.

— Қизиқarli сўхбатингиз учун раҳмат!

Санжар ТУСУНОВ сўхбатлашди.

Шундай ёзувчилар борки, ёзганлари сўз санъати дурдонаси даражасида, асарлари тилининг жозибадорлиги, мазмуни теранлиги, услуб ва шакли янгилиги билан ажралиб туради. Бундай асарлар яратилган даврга ҳам, келажак учун ҳам хизмат қилади, уларни бир неча авлодлар қайта-қайта ўқийди.

Айни пайтда шундай ёзувчилар ҳам борки, асарлари ўзи яшаётган давргагина хизмат қилади ва улар ўз замонаси куйчиси бўлиб қолади. Ўз даврининг жонқуяр фарзанди бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим асарларида қаламга олинган мавзулар юрт ва эл манфаатини кўзлагани билан ўз вақтида катта эътибор топи.

Иброҳим Раҳим "Ихлос", "Чин муҳаббат", "Тақдир", "Тинимсиз шаҳар", "Оқибат" каби романлари, "Хилола", "Зангори кема капитани", "Оловкор" сингари қиссалари ва қисшлоқ ҳўжалиги муаммоларига бағишланган очерклари билан ҳозиржавоб ёзувчи сифатида кенг танилди. Айниқса, устоз адибнинг журналист сифатидаги фаолияти, ҳозирги "Ўзбекистон овози" газетасида, "Гулистон" ва "Муштум" журналларида бош муҳаррир лавозимига ишлаб катта журъат билан бу насларда чоп эттирган асарлар эл эътиборига тушди, ҳали-ҳануз катта авлод ижодкорларининг ибратли ишлари қаторида мамнуният билан тилга олинади.

Албатта, биринчи галда, Иброҳим ака ёзувчи эди, ҳафтаинг охириги кунлари Ёзувчилар уюмасининг "Дўрмон" ижод боғидаги дала ҳовлисида ижодий иш билан

машғул бўларди. Фурсат топиб, ҳовлидаги ишларига қарашиб, биз ёш ижодкорлар Иброҳим ака билан мулоқотда бўлардик. Нафақат ёш ижодкорлар, балки ишчи, деҳқон,

ОТАШҚАЛБ АДИБ

зиёлилар ҳам у кишининг суҳбатларидан баҳраманд бўлишар, зеро, устознинг доно маслаҳатлари, тўғри йўл-йўриқлари улар эҳтиёж сезишарди.

Адибнинг қисса, очерк ва ибратли ривоятларида қисшлоқ кишилари ҳаёти ҳаққоний тасвирланган. Масалан, "Ота ва бола" ривоятида ҳалол меҳнат билан даромад топиш бахт келтириши таъсирчан ифодаланган. Ривоят замирида ҳаёт ҳақиқати барқ уриб мавжланади. Ёзувчи бу ривояти орқали ўқувчи қалбига ишбилармонлик туйғусини сингдиради. "Хилола" номли қиссасида эса ташаббускор, тадбиркор қаҳрамон доимо одамлар орасида, ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида жавлон урадики, бу жихатлар китобхон қалбига яшаш, яшаганда ҳам ғайрат-шижоат билан эл қорига камарбаста бўлиб яшаш ишתיқини солади.

Ғамхўр ва меҳрибон устоз ўзи раҳбарлик қилган наслрлар тахрири-


ятига истеъдодли ходимлар ва ёшларни жалб этар, уларга шароит яратиб берарди. Чунончи, "Муштум" журнаliga Бухородан Неймат Аминовни, шунингдек, Саъдулла Сийёвни, Ориф Фармонни тақлиф этиб, ижодий жамоада истеъдодлар сафини кенгайтирди. Нашриётларнинг ишлаб чиқариш бўлимларида хизмат қилиб юрган Абдунаби Бойқўзиёв, Мирзо Кенжабек сингари ёшларни ижодий ишларга йўналтирди. Бундай эътибор, табиийки, журнални мазмунан бойитиш, ом-

мабоблигини таъминлашда жуда кўл келган эди. Яна бир жиҳати, Иброҳим Раҳим

ижобий ходимларнинг уй-рўзгор шароити, ташвишларидан ҳам доимо хабардор бўлар, зарур ҳолларда кўмагини аямасди. Мана, шоир Абдунаби Бойқўзиёвнинг эътирофи: "Журналга ишга келганимда ҳали уй-жойим йўқ эди. Менинг шаҳар марказидан уй олишимда бош муҳарриримизнинг

кўмаги жуда асқотган". Ҳа, Иброҳим ака ёш ижодкорларга низоҳатда эътиборли эди. Илк шеърларини ўқигач, мени "Ўзбекистон маданияти" (ҳозирги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати") газетаси муҳаррири қабулига бошлаб кирган, таништирган, машқларимни таъриф-таъсирлаган. Шеърларимнинг дастлаб шу газетада босилишида устоз адибнинг хизматини доим миннатдор бўлиб эслаб юраман.

Иброҳим Раҳим ҳақидаги хотиралар китобини арақлар эканман, у кишининг кўпал ижодкорларга устозларча ғамхўрлик қилганини ўқиб, бир инсоннинг кўпчи-



Турсун АЛИ

чи даражали шахслардан ёзиб олинган...

Н.П.Остроумов тўплаган эртақлар сўнграқ бошқа бир фольклоршунос — Г.Юнгбауэр сайй-ҳаракати билан олмон тилига ўтирилиб, 1923 йили Йена шаҳрида "Marchen aus Turkestan und Tibet" ("Туркистон ва Тибет эртақлари") номи билан нашр қилинган.

Халқ эртақлари намуналарини бевосита ижрочилардан ёзиб олиш, уларни нашр этиш XIX аср охири — XX аср аввалида бошланган бўлса-да, мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар чоп этирилган наслрларда эртақларнинг матни шўро мафқураси талабларига мослаштирилган ҳолда қисқартирилган, баъзи ҳолларда эса ноўрин ишлов берилган.

Матни замон мафқурасига мослаштирилган эртақлардан бири ҳаммамизга яхши таниш бўлган "Ур, тўқмоқ" дид. Баъзи тўпламларда эртақ чолнинг қайнар хумча ва очилдасурухонни қайтариб олиб, мурод-мақсадига етиши билан тугаши ўрнига воқеалар яна давом этади, яъни овчилик билан кун кўрувчи чол тўқмоқ ёрдамида хон дарахсига қўтарилади. Демак, эртақ қайсидир маънода ўша давр мафқурасига хизмат қилган дейиш мумкин. Айтувчи ва ёзиб олувчи давр шароитидан келиб чиқиб, эртаққа "детал қўшган" ва шу тарзда чўпчакнинг турфа вариантлари пайдо бўлган. Бу турфа вариантликда бировни айблаб бўлмайди, албатта. Чун-

ки эртақлар халқ ижоди, улар ҳамиша халқники деб тан олинган. Бироқ эндиги мақсад эртақнинг асл ғовий мақсадини очиб берувчи вариантни таллашдир.

Хар бир асар, жумладан, эртақ ҳам муқаддима, воқеалар ривож, қулминация ва ечимга асосланиши лозим. Бу худди математикадаги формулаларга ўхшаб, асар қачон, қайси замонада яратилмисин, ушбу талабларга риоя қилиниши керак. "Ур, тўқмоқ" ҳам бошқа эртақлар каби "Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим-қадим замонада..." деган муқаддимадан бошланади. Шундан сўнг воқеалар ривожланиб боради. Эртақ қулминацияси тўқмоқ хасис бойни ургани бўлса, чолнинг қайнархумча ва очилдасурухонни қайтариб олиб, мурод-мақсадига етиши ечим бўлиши керак, назаримда. Эртақ бошидаги оққўнги, меҳрибон чолнинг охирида худбин ва иззатталаб кимсага айланиши асар ғоясининг бузилганилигини кўрсатиб турибди. Менингча, сюжетни ҳукмрон мафқурасида мослаштирилган эртақ варианты ўрнига, халқ орасида кенг тарқалган ва адабиёт «формула-сига мос келувчи» «Ур, тўқмоқ»ни танлаб олиш вақти келди. Бу эртақ ҳақида "Маърифат" газетасида чоп этилган "Бир эртақ эшитгандим..." сарлавҳали мақолада батафсил тўқталиб ўтилган. Эртақларни нашрга тайёрловчилар шароит тақозоси билан бузилган биринчи манбага эмас, унинг ғояси ва сюжетига эътибор қаратсалар яхши бўларди. Болаларимизга эртақ айтишдан мақсадимиз уларнинг онгига яхшилик уруғларини экишидир. Шундай экан, бунда фақат тўғри йўлдан бормогимиз лозим.

Хулоса шукки, маънавиятни бир дарахтга қийсасасак, халқ оғзаки ижоди унинг ўқ томирларидир. Хар бир жанр, албатта, халқ ижоди таъсирида шаклланади. Инсонни иккинчи оламга етакловчи эртақлар дунёсида вақтдан ўзиб келажакка сайр қилиш мумкин ёки тарих ғилдирагини орқага суриб ўтмишни кўрса бўлади. Унда ҳамма нарса бор — барчаси содда, халқона, ўзбекона.

Жамила АСКАРОВА,
тадқиқотчи

ЖЎРЛИК ЖАРАНГИ

Адабиётимизга янги бир тўлқин кириб келмоқда. Аввалги ўнйилликларда бундай яқдил ғўж оқим кўзга ташланмаганди, ҳойнаҳой. Булар — ё Истиклолимизга тенгдош ёки ундан ёшроқ ёхуд ундан уч-тўрт ёш каттароқ йигит ва қизлардир. Уларга XXI аср ўзбек адабиётини, жаҳонни забт этажак катта адабиётни яратиш учун йўл очик.

Адабиёт дарвозаси қошида эшик қочиб турган ушбу авлод ўзлари кўз очиб кўрган Истиклол замонага жўр, ҳамоҳанг бўлишлари лозим. Бу эса мангуликка, оламнинг илоҳий саҳига жўр бўлишга зид эмас. Замона ва мангулик аслида яхлит вақтининг бўлак-бўлак бекатларидир. Хар замона, ҳам мангуликка жўр бўлиш олий ижодий мақсаддир. Шундагина мустақил Ўзбекистонимиз шон-шавкатига муносиб адабиёт яралади.

Бадиий ижод чексиз коинотда жорий бўлган буюк уйғунликка қондош ва табиий жўр бўлишидир. Ушбу уйғунликдан бетиним янграб турувчи садолар бағрида бўлиш, уларга тил ато этиш хар қандай ижодкор руҳнинг қисмати ҳам саодатидир.

Бундай юксак гаплар ёш шоир учун ўринлимикин, дейишлари мумкин. Лекин ижод майдонига қадам қўйган хар бир одам ушбу жўрликни қалбан, кўнгил тубидан сезиши, туйиши зарурдирки, шундай туйғу бўлмаса ижод ижод эмас, қалбакилик, имитация бўлади, холос.

Бундан икки йил илгари нашр этилган "Туйғулар шаҳарчаси" китобига кирган бир шеърда Жўрабек Жаҳон "Ер шарининг митти шарчаси — Талабалар шаҳарчаси", дея ёзар экан, бундаги топилиқ туйқус кўзга ташланмайдик. Лекин бундаги робитани — Ер қай-

даш, талабалар шаҳарчаси қайда — топиш, англаш учун шоирона таҳайюл лозим, албатта. Бир ташбеҳ билан хар бир толиби илмга қадрдон бўлган маскан бирдан янги микёсга кўтарилади. Образнинг ҳаётий илдизи шундаки, биз одимлаётган хар бир қарич ер она сайёрамизнинг бир бўлағидир.

Адолат юзасидан айтиш жоизки, бутун шеър ушбу образга муносиб яхлит асарга айланмаган. Юқорида кўриб ўтганимиз поэтик образ кирган илк бандда белгиланган потенциал маъно-мазмун шеър давомига очилмай қолган. Талабалар кечинмалари, хотиралари астойдил қовланса — қат-қат ҳазиналар юз очили тайин. Зеро, "Талабалар шаҳарчаси" шеъри том маънода туйғулар шаҳарчаси (эсингизда бўлса, бу шоир илк китобининг номи) бўлиши керакмасмиди. Шу ўринда Пушкиннинг "19 октябрь" шеъри ҳаёлимда айланади. Алҳол хотира — ўчмас поэтик товганишларга эга бўлган сеҳрли маскандир.

Фикрлашда якка ва умумий мувозанатни сақлаш ҳамиша қийин кечган. Шоирнинг у ёки бу шеъри ҳақида гапириш, уни таҳлил қилиш мумкин ва бу нисбатан осон. Лекин ушбу таҳлил умумий манзаранинг яхлит қиёфасини тиклашда қандай иштирок этади, бунга англаш ва англашми унда осон эмас. Лекин умумлаштиришдан олдин муқимлаштириш ҳамиша зарур.

"Адабиёт алифбоси" деб номланган каттагина шеърга алоҳида тўхталмоқчиман. Аввало айтиш жоизки, унинг номи ўта умумий, қамровли, менга қолса, шеърни "Харфлар рақси" деб атаган бўлардим. Шақлий ўйинга қўрилгандек кўринадиган шеър қоим табиий-илмий асосга эга. Одам ва бутун олам бетиним жаранглайдиган жараён — товушлар оғушида яшайди. Ҳатто сукунатда ҳам овоз бор, товуш бор. Товушнинг белгили, кўримли ифодаси эса — харфлардир.

Шеър математик ва химик баҳси билан бошланади:

Математик дўстим, адашмасан,
Олам рақамлардан иборат эмас.
Химиклар, бу дунё сиз айтган мисол,
Атомлар яратган иморат эмас!

Мен бу банд ҳақида дастлаб шундай ёздим: яхши ва янги гап айтиш учун илгари қашф этилган улўғ ҳақиқатларни рад этиш эмас. Улўғ ҳақиқатлар бир-бирлари билан тўқнашмайди, ёқа бўғишмайди. Сиртдан бир-бирига қарши бўлиб кўринадиган улўғ ҳақиқатларнинг ўзаро қўл олишиб, қучоқлашиб кўришишни кузата олганимизда эди, улўғ кашфиётлар нақд қафтимизда бўларди, ҳойнаҳой.

Сўнг ўйладим. Менинг бу фикрим тўғри бўлгани ҳолда ҳам, шоир фикрда ноҳақ бўлган тақдирда ҳам ўз поэтик фикрини айтишга ҳақли. Лирик ҳиссиёт нимадандир туртки олиши керак-ку. Шеър давомига ёзилганидек:

Нахот, кўрмайсиз атрофин тутал —
Бутун коинотни харфлар қоплаган.

Шу тариқа, харфма-харф ёзилган "дунё", "уй", "куй", "содиқ" (дўстнинг номи), "атиргул" ва низоҳат "она" ва "ватан" сўзлари бирин-кетин шеър майдонига пайдо бўлади. Хар бир ўринда харфлар билан улар бирикти ҳосил қилган сўз маъно жихатдан мохирона боғланади:

Осмон харфларини сарфлар
Ерга ёғаяпти, айтмоқчи

Кўқлан саногй йўқ харфлар —
"т", "о", "м", "ч", "н".

Шеърдаги охириги мисра-бандлар нуқул харфлардан иборат: "О", "Н", "а", "В", "а", "т", "а", "н". Яъни муайян харфлар топишиб, бириккан икки муқаддас тушунчани ҳосил қилмоқдаки, бу мантқикий поэтик яқундир. Дарҳақиқат, шеърда айтилганидек:

Йўрғакларда, тилакларда,
фалакларда,
Эзуликка тўлиб тошган юракларда,
Қалқиб-қалқиб порлагувчи
харфлар бордир.
Шу харфлар бор олам бордир,
олам бордир.

Тўпламга кирган шеърларнинг бир нечаси дарахт ҳақида. Энг ёрқинларидан икитаси ҳақида сўзласак. Бир — маҳзун, бирёқлама (бунда салбий маъно йўқ, биз кўпинча бирёқлама бўлишга мажбурмиз, бир пайтининг ўзида харёққа қараб бўлмайди-ку, ахир), иккинчиси эса фалсафий, кўпёқлама (математикада кўпёқлик тушунчаси маъжудлигини ҳамма билса керак). Хуллас, биринчиси, "Салом толлар, салом тераклар..." деб бошланувчи шеър. Бежиз икки дарахт олинмаган, сўнг маълум бўлишича, улар қаршилантирилади.

Лекин биз юқорида нега шеърни "бирёқлама" (изоҳни эсдан чиқарманг) дедик? Гап шундаки, ҳасад ҳам, яна кўплаб ноҳўй ислат ҳам инсонга хос хусусиятлардир. Уларни, хусусан, ҳасадни деб инсондан юз ўтириш инсофдан эмас. Ҳасадни енгган, уни ҳавасга айлантира олган кўплаб олижаноб одамлар бор-ку ахир. Лекин юқорида бир ўринда айтилганидек, шундай дейишга шоирнинг маънавий ҳаққи бор. Оний туйғу худудида — у ҳақ.

Иккинчиси, уч банддан иборат мана бу шеър. Биринчи банд:

Кишини севар манов дархатлар,
Севгилари чексиз бағоят.
Кўз баргида келганда хатлар,
Ечиниша бошлар буют.

Шеърда хар фаслда кузатиладиган табиий ҳодиса ҳолис тасвирланган. Лекин қандай тасвирланган?

Шоир оддий манзарарга маъно юклайди, оддий ҳолатдан зиддият топади:

Қияланғоч бўлишар охир,
Бағрини кенг очиб кутарлар.
Менга жуда ботади оғир,
Киш — бойвачча, сочиб юрар зар.

Бу тасвир реал кишининг барча белги — қилиқларига мос келади. Киш — қишда, у ҳеч қимдан изн сўрамай Яратганнинг йўриғига мос ҳолда ўз ишини қилаверади. Шунинг учун шоир наздида у — бойвачча.

Учинчи ҳулоса банд:

Оҳ, шу уч ой — уч юз қиёмат,
Дархатлар — ақлдан озган бевалар.
Беваларга бахш этган неъмат,
Фарзандлари кишининг — мевалар.

Бунда энди кўпёқламаликини кузатамиз. Аслида кўпёқлама томонларни бир қарашда кўриш имконсиз. Бир ёққа боксангиз, қолган ёқлар кўринмайди. Лекин фикр қилиш қўришдан фарқ қилади. Фикр кўзи оддий кўришдан анча ўткир ва илғамлироқ. Тафаккур диалогдир, яъни фикрлар суҳбат ва фикрлар тўқнашувидан иборатдир.

Банд ритмига қулоқ солсангиз, иккинчи мисра бироз бошқачароқ экани сезилади. Бутун шеърда воқе бўлган тўққиз хижоли (4+5) мисра фақат шу ерда ўн бир хижога (6+5) ўтади. Бу ўзгариш мисрага жо бўлган маънони бўрттиришга хизмат қилади. "Дархатлар — ақлдан озган бевалар". Бу лирик — тирагик мулоҳаза бўлиб, уни бемалол айта олиш учун анчайин поэтик журъат зарурдир.

Шеърдаги тасвир нимагадир ишора қилади, қандайдир инсоний ҳолатларни рамзлайди. Биз нимагадир деган мажхул сўзларни ишлатар эканмиз, бу бежиз эмас. Агар уларни аниқлаштиришга урина бошласак, шеърнинг латофати йўқолади. Латофат, ушбу ўринда, ноаниқликда.

Нуктаи назар, ёндашув ракурсини бироз ўзгартриб, бу шеърга юмористик асар сифатида ҳам қараш мумкин. Дархатлар — бевалар, қиш — бойвачча каби ташбеҳлар энди меҳрга йўғрилган қулғу уйғотиб, бизни шеъринг "воқеа"га енгил, беғубор қарашга ундайди.

Жўрабек Жаҳон бугунги ўзбек шеърини ёш авлодининг пешқадамлари сафида бўлишини истаётган. Бунинг учун унда барча имконият мавхуд. Вазифа — имконни воқеликка айлантиришда. Зеро, ўзбек отли феномени жаҳон аро кўз-кўз қилиш — барчамизнинг бурчимиздир.

Сувон МЕЛИ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими

XX аср бошлари. Қўқон. Узун киш кечаларидан бири. Ҳамро биби невараси Пўлатжонга бугун "Уч оға-ини шахзодалар" эртагини айтиб бермоқда: "Тўғри бўлинг — беҳавотир бўласиз, мактанчоқ бўлманг, уятга қолмайсиз, дангаса бўлманг, бахтсиз бўлмайсиз..."

Ҳа, бу биз яхши билган "Уч оға-ини ботирлар" эртаги-ку, нега энди шахзодалар бўларкан? Тўғри, эртақлардаги кўп шахзодалар ботир бўлишади, аммо халқнинг ичидан чиққан қўқмас баҳодирларнинг эл доимо ўзига яқин олган. Келинг, яхши-си "шахзодалар"ни қандай қилиб "ботирлар"га айланиб қолганига бироз тўхталайлик.

1967 йил. Фольклоршунос олим Тўра Мирзаев Буюк Каримов ҳақида материаллар тўплаб юрган пайтларда Фанлар академиясининг архивига иккита хатта дуч келади. Улардан бири Ғози Олим Юнусов томонидан 1927 йили қўқонлик муаллим Пўлатжон Қайомовга, иккинчиси Пўлатжон Қайомов томонидан 1939 йили ўша пайтдаги Тил ва адабиёт институтининг директори Сотти Ҳусайнга йўлланган экан.

Ғози Олим ўз хатида "Уч оға-ини ботирлар" эртагини юборгани учун Пўлатжон домлага миннатдорлик билдириб, бундан кейин фольклор асарларини ёзиб олганда шева хусусиятларини

биёт илмий-текшириш институти материалларидан фойдаланган. Тўпламга жами 21 эртақ киритилган, 150 саҳифадан иборат. Китоб эски лотин алифбосида, ҳеч қандай расм йўқ.

Фольклор материалларини тўплашда Б.Каримов қандай қийинчиликларга дуч келгани ҳақида Ҳоди Зариф шундай хотирлайди: "Ўзбек фольклорини ўрганишда Буюк Каримов унутилмас катта хизматлар қилди. Ўзбек халқининг дostonлари, эртақлари, мақолларидан жуда кўп бойликлари тўплади. Ўша йилларда катта қурилишлар, хашарлар, каналлар бўлаб фольклор экспедициялари уюштириш расм бўлганди. Чунки бундай оммавий тадбирларда республика аҳолисининг деярли барча қатламлари вакиллари жалб қилинارد, демакки, табиий равишда уларда бахшилар, эртақчилар, қўшиқчилар ҳам қатнашарди. Шу тадбирларда кўпгина фольклор материаллари тўплади, бир неча эртақларни аниқлади. Ана

Тадқиқот, ахборот

“ОҒА-ИНИ” ЭРТАҚЛАР

сақлаб қолишни маслаҳат берган. Пўлатжон домла эса, ўз хатида эртақ мактаб дарслигига киритилганда ўзининг номи кўрсатилмагани адолатсизлик бўлганини, эртақни 1905 йили бувиеси Ҳамро бибидан эшитгани асосида кейинчалик ёзиб чиққанини, аслида унинг номи "Уч оға-ини шахзодалар" бўлганини айтди. Бунга Т.Мирзаевнинг "Ҳоди Зариф суҳбатлари" китобида Ҳоди Зариф шундай изоҳ беради: "Уч оға-ини ботирлар" кейинги ўттиз йил давомидида бир неча бор нашр этилиши билан халқ орасида кенг тарқалди ва мумтоз эртақларимиздан бирига айланган. Халқимиз уни шу ҳолида тўла қабул қилди. Менинг назаримда, жуда катта ҳофиза қувватига эга бўлган Ҳамро бибидан эшитганларини Пўлатжон домла тўла сақлай олган ва эртақнинг қадимий асослари бизгача етиб келган. Бунинг устига Н.П.Остроумов рус тилида эълон қилган "Уч оға-ини шахзодалар" эртагининг оригинали йўқ, бошқа тузукроқ вариантлар ҳам ёзиб олинмаган. Шундай экан, эртақнинг Пўлатжон домла ёзиб берган Ҳамро биби вариантнинг аҳамияти ҳеч маҳал камаймайди".

Эртақ айтувчи ва уни ёзиб олувчи шароит, даврга қараб эртаққа ўзгартиришлар киритиши учрайди. Бунга Буюк Каримов томонидан эртақларнинг биринчи тўпламидаги ўша давр муҳитида ёзилган сўзбошидаги фикрлар ҳам исботлайди: "Меҳнаткаш халқ ўз фантазияларида зулм қилувчи подшоҳларни йўқотиб, ўрнига зулм қилмайдиган, камбағал-қашшоқларнинг ҳам ҳол-аҳволларини сўрайдиган камбағалдан "подшо"лар кўтарганлар. Халқ ўз душмани золим подшоҳлар, эксплуататорлардан қутулиш, уларни енгил фикрида, ҳаёлида эртақлар орқали енгилмас қучли образлар яратган". Ўша даврдаги сиёсий таъйиқлар, халқнинг маънавиятини ўзгартиришга бўлган уринишлар эртақларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шу тариқа, бизнинг "ботир"лар ҳам аслида "шахзодалар"лар бўлган, кейинчалик у "Уч оға-ини ботирлар" номи билан халқ орасида омалашган, деган фикрга келиш мумкин.

Ўзбек халқ эртақларининг ўзбек тилидаги илк тўплами 1939 йили фольклоршунос Б.Каримов томонидан нашрга тайёрланган. Китоб Давлат нашриётида 30 000 нусхада чоп этилган. Б.Каримов тўпламини нашр қилмида Ўзбекистон тил-ада-



БОЙСУНГУР МИРЗО КУТУБХОНАСИ

Амир Темури ва Темурийлар даврида сарой кутубхоналарига катта эътибор берилган. Улардан энг машҳури Шохрух Мирзо ўғли, Мирзо Улуғбекнинг укаси, санъаткорларнинг беназир ҳомийси Ғиёсиддин Бойсунгур мирзонинг (1397-1433) Ҳирот шаҳридаги кутубхонаси эди.

Тарихчи ва адабиётшунос Давлатшоҳ Самарқандий маълумотида кўра, бу кутубхонада қирқдан ортиқ машҳур таттолотлар ажойиб кўлэма китобларни битиш билан машғул бўлганлар. Айни шу жойда ўз даврида Абулқосим Фирдавсий "Шохнома"сининг танқидий-илмий матнини кўлэзмалар асосида тиклашга киришилган эди. Бу кутубхонада яратилган нафис кўлэзмалар Шарқ китобат санъатининг шоҳ асарлари ҳисобланади.

Кутубхона фаолиятига дахлдор бизгача етиб келган муҳим ҳужжат "Арзалош"дир. Ҳужжат кутубхона мутаасаддиси — китобдор Камолдидин Жаффар Табризий томонидан битилган. Бугунги кунда бу нодир ҳужжат Истанбулдаги Топқопу — сарой мажмуаси кутубхонасида сақланмоқда. Уни машҳур манбашунос-шарқшунос олим Аҳмад Заки Валидий Тўғон (1890-1970) топган эди. Ҳужжат илк бор 1976 йили чоп этилган. У ҳақда йирик шарқшунос О.Акимовнинг 1988 йили махсус мақола эълон қилган. Турк ва эрон олимлари ўз тадқиқотларида ушбу ҳужжатдан фойдаланганлар. 1989 йили америкалик олимлар Т.Ленц ва С.Лаури таъдан "Темури ва шаҳзодалар қарашини. Ўн бешинчи аср санъати ва маданияти" номида каталог-тадқиқотда ҳужжатнинг фотонусхаси ва шарқшунос В.Текстоннинг инглизча таржимаси эълон қилинган. 2005 йили академик Г.Пугаченко ва билан ушбу ҳужжатнинг русча таржимасини чоп қилган эдик. Ундан Темурийлар кутубхонаси фаолияти, таркиби, ташкил қилиниши ва яратилган асарлар, мусаввир, хаттот, музаҳҳиб, жадвалкаш ва бошқа ижодкорлар ҳақида қимматли маълумотлар ўрин олган. Мазкур манба Темурийлар даври маданияти ва санъатини ўрганувчилар учун фойдали бўлиши, шубҳасиз.

Куйида ҳужжатнинг ўзбекча матнидан парча эътиборингизга ҳавола этамиз.

АРЗАДОШТ

Ҳумоюн (подшоҳ) кутубхонаси ҳокими соф қилувчилар ва мулозимлар номидан, уларнинг кўзлари подшоҳ отининг тўғи чанги интизоридадурлар, қулқоқлари эса "Оллоҳу Акбар!" калимасини эшитишга (рўздор) орузманддирлар ва гоят бахт ва сурур фарёди "Бизлардан қайғуни кетгазган зот — Аллоҳга ҳамд (айта-миз)! Дарҳақиқат, Роббимиз мағфиратли ва шукр соҳибидир, фалак тоқига етказувчидир".

(Мусаввир) Амир Халил (Саъдий Шерозийнинг) "Ғулистон" асари кўлэзмасига ишланаётган расмдаги икки денгиз кўринишидаги тўлқинлар тарҳини чизиб тугатди ва энди ранг беришга киришди.


Мавлоно Али ушбу арзалошт ёзилган кун "Шохнома" достони "дебочаси"нинг тарҳини чизиб билан банд. Бир неча кун унинг кўзи оғриган эди.

(Мусаввир) Хожа Ғиёсиддин "Расойил" ("Рисолалар") кўлэзмасининг икки манзара расмида чехраларни тасвирлашга киришди, яна бир расмда ҳам шунга ўхшаш ишни бажармоқда. Ҳозирги вақтда "Ғулистон" асари кўлэзмасининг тугалланмаган расмидаги бино — иморатлар тасвири билан банд.

Мавлоно Шаҳоб "дебоча" ва тўрт нақш лавҳага ва яна бир "дебоча"нинг

"шарафа"сига тилла югуртирмоқда. "Дебоча" марказидаги саккиз "шамс" нақшига "наъл" (тақа шаклидаги нақш) намунасини яратди. Ҳозирги вақтда у "Ғулистон" кўлэзмасининг бир расмидаги бино тасвири мавжуд манзара устида ишламоқда.

(Муқовасоз) Мавлоно Қувомиддин "Шохнома" чарм муқоваси юзасидаги "ислими" нақшини тугатди, чарм муқовадаги "айш тамошоси" расмидаги матни қалам билан кесиб чиқди. Умумий ишнинг учдан иккисини тугатмоқда ва чарм муқованинг пушти тақия (тақия — varaқларнинг муқовага ёпиштирилган жойи), тоқа ва лабакисининг ҳошия чизиклари чизилди.



(Хаттот) Мавлоно Шамс Хожа (Мир Али), Оллоҳ уни ўз раҳматига олсин, хати билан битилган "Расойил" (Рисолалар)ни қайта кўчирмоқда ва унинг бир ҳужви қилиди.

(Наққош) Махмуд Хожа (Кермоний)нинг "Девон"и кўлэзмаси ўнта лавҳа нақшнинг еттасини тугатди, қолганлари устида ишламоқда.

Хожа Махмуд Хожа (Мир Али) хатида битилган "Расойил" кўлэзмаси чарм муқовасининг юза қисмидаги матни тугатди, тоқа (муқованинг қўшилидиган қисми) ва лабаки нақшлари устида ишламоқда.

Хожа Атоий жадвалкаш Мавлоно Саъдиддин битган "Тарих" ва Хожа "Девон"и кўлэзмалари жадвалини тугатиб, "Шохнома" кўлэзмаси жадвалига киришди.

(Хаттот) Мавлоно Кутб "Тарихи Табарий" кўлэзмасининг ўн қисмини ёзиб битирди.

(Музаҳҳиб) Хожа Ато "Ғулистон" кўлэзмасини зийнатлашни тугатди ва Мавлоно Саъдиддин битган "Тарих" асари кўлэзмаси учта лавҳасининг иккитаси нақшини тугатиб, қолган қисмини зийнатлашга киришди.

(Хаттот) Мавлоно Муҳаммад (ибн) Мутаххар "Шохнома"нинг йигирма беш минг байтини ёзиб битирди.

(Наққош) Хожа Абдурахим муқовасоз, музаҳҳиб, чодир ясовчилар ва қошин тарашловчилар учун нақш тарҳларини яратиш билан банд.

Мавлоно Саъдиддин Бегим учун яратилган сандиқнинг қопқоғини зийнатлашни тугатди, бир томонини зийнатлашга тайёрлади, эшигининг ўйма нақшига киришди, у ҳали

туғамди. Лекин ўн беш кундан кейин (сандиқча) тайёр бўлади. Мавлоно Шамс бир чарм "кашти" (хомакиси)ни нақш беришга тайёрлади.

Абдуссалом яна бир чарм "кашти"сини деярли тугатди.

Етиш беш расмоннинг ҳаммаси "хиргоҳ" номли катта чодир нақши ва ранглари устида ишламоқдалар.

Устод Сайфиддин соғлом, яраси тугалиб кетди.

Мир Давлатёр яратган эгар зийнати учун нақш тарҳидан Хожа Мир Ҳасан нусха яратди ва Мир Шамсиддин, Хожи Мир Ҳасан ўғли ва устод Давлатхожа унинг учун бўёқ тайёрлаш билан банд.

Камтарин банда

ва ҳақир (Жаффар Табризий) "Шохнома" китобатидан

Тадқиқот, ахборот

уч ярим ҳужвини ёзиб тугатдим ва "Нузхат ул-арвоҳ" кўлэзмасини ёзишни бошладим.

Қисқа дуо қилишни хоҳладим, Бу дуода нима ишни хоҳлайин? Давлатингиз бардавом бўлсин, Алҳамдулilloҳ!

ХОС ИМОРАТЛАР

Уларнинг устунларини Аллоҳ Қийматга мустаҳкам қилсин!

Даргоҳда тошлар ва қошинларни тарошлаш тугатилди. Кунгурадаги "китоба"нинг бир қисми қолди ва унинг устида иш кетмоқда. Мармар фаршни сайқаллаш тугади, "суратхона"нинг фил суягидан қилинган эшиги тайёр бўлиб, жойига ўрнатилди. Бошқа тоштарошлар ҳовуз нақшлари устида ишламоқдалар.

Қадимги қаср куббасидан то пастдаги муқарнасгача нақши тугалланди. Шарқ томондаги устун қайта тикланди.

Кутубхона (биноси) наққошлар учун мўлжалланган бўлиб, у тугалланди ва наққошлар ва котибларга ёқиб тушди.

Янги боғ (Боғи жадид)нинг девори баландлиги олти паҳса бўлсин деб буюрилган эди, баъзи жойларида тўрт паҳса, баъзисиди уч паҳса бўлиб, иш давом этмоқда. Айвон ва хона асоси қурилди. Айвон олдидаги шох кўприк тарошланди ва ўрнига қўйилди.

Майдон боғи девори қибла томондан уч паҳса бўлди. Қошин тарошлар даргоҳдаги сангтарошликдан қўли бўшаган, ушбу боғ изораларини безашга киришди.

Қўланхонанинг шипидаги ганжига гул солиш, сувоқ ва оқлаш тугалланди.

ХИРГОҲ (КАТТА ЧОДИР)

Унинг гиламига энг юқоридан ўн тўрт қитъа ва етти қитъа ёнидан битилиши керак эди. Бу йигирма бир қитъадан олтигаси ёзиб тугалланди. Бу қитъаларнинг тақа нақшлари тикилди. Йигирма бир қитъанинг олтигаси марказида шамс нақши ва суратлари бори тугалланди. Шарафа — хиргоҳ юқори қисми, маҳбас — ўртадаги хонасифат жойи ва хошияси, уларнинг ўлчами баландликка нисбатан олтидан бир миқдор бўлиши керак эди, ярами тикиб битказилди. Хиргоҳнинг мисқоли деб аталган аслидаги "сандалбоф" нақш заррин ёзувининг олтидан бир ярим қисми тикиб бўлинди. Ва ҳамма уни тугаллаш устида иш олиб бормоқда.

Давлатингиз бардавом бўлсин!

Абдумажид МАДРАИМОВ, Темурийлар тарихи давлат музейи катта илмий ходими, профессор

Бизгача етиб келган бебаҳо миллий мусиқа хазинамизда шундай мумтоз куй ва ашулалар борки, уларнинг бадий гўзаллиги ҳеч бир даврда завоқ кўрмади. Зеро, улуг аждодлар қалб кўри ва истеъдоди билан яратилган бу чинакам санъат намуналарида ишқ дардининг тафаккур қудрати, пок руҳиятнинг нафис эврилишлари ўз аксини топган. Шундай мумтоз мусиқа йўлларида бири — Шарқ оламида қадимдан маълум ва машҳур Ироқ мақомидир.

Араб мамлақати номига нисбат берилган мазкур мақомнинг келиб чиқиши хусусида турли ривоятлар мавжуд. Жумладан, Бухоро сарой мусиқачиси Дарвиш Али Чангйининг "Тухфат ус-сурур" рисоласида хабар берилишича, дастлабки Етти мақомнинг бири сифатида тилга олинган Ироқ мақоми Аюб пайгамбардан мерос қолган. Яъни Аюб алайҳиссалом оғир хасталикка мубтало бўлиб, баданларига тошган яраларни кўртлар кемиради. Шу зайл ўн саккиз йил ўтиб, ниҳоят соғайиш вақти келган маҳал бир кўрт муборак баданларидан ерга тушиб кетади. Сабр-матонатли Аюб алайҳиссалом уни қўлига олиб, яна қайта баданига қўйган ҳам эдики, кўрт қаттиқ чақиб олади. Шу онда беихтиёр юзага келган пайгамбар фиғони Ироқ мақомига асос бўлган экан.

Мусиқашунослик илмида "Ироқ мақоми" деганда, энг аввало, октава доирасидаги еттита товуш(парда)нинг мукамал уюшмаси англашади. Ироқ йўли дастлаб Етти мақом таркибиди, кейинчалик эса (XIII-XVII) ўн икки мақом тизимида мўҳим ўрин тутган. Ушбу мақом асосида кўплаб қолғу қуйи ва ашулалар ижод этилган. Улар бизнинг давргача "Шашмақом", "Хоразм мақомлари" ва "Фарғона-Тошкент мақом йўллари" таркибиди етиб келган. Хусусан, Фарғона-Тошкент йўллари оид "Чўли Ироқ" ва "Тошкент Ироғи" шулар жумласидандир. Бу каби қўшалок номли асарларнинг юзага келиш сабаблари эса турлича.

Соҳибқирон Амир Темури ва Темурийлар даврида "Ироқ" сўзи "олис, машаққатли йўл", "Хижоз (Саудия Арабистони)

нидаги Маккаи Мукаррама ва Мадина Мунаввара шаҳарлари жойлашган вилоят) сафардаги зиёратчилар қарвони ўтадиган мамлакат номи" маъноларида бадий истилоҳ ўрнида ҳам кўп қўлланган.

Исматуллоҳ ибн Неъматуллоҳ

"ТОШКЕНТ ИРОҒИ"

Ўлмас оҳанглар

фанининг тўртинчи даража пири Мавлоно Али Шох ҳазратлари томонидан ижод қилинган: "Чўли Ироқ" мақоми, филхўл муғаннийлар ичра машҳурдур, ҳаж сафарига борганда Ироқ чўлидин ўтув кетиб бориб, ижод қилиб "Чўли Ироқ" от қўйдилар".

"Тошкент Ироғи" номи эса тошкентлик бастакор-хофизлар Ироқ йўлига "Фарғона-Тошкент мақом йўллари"га хос сайқал ва жило берганлари шарафига (масалан, "Тошкент Ушшоғи" каби) юзага келган. Жумладан, мазкур ашула йўли, "Шашмақом" туркумидаги "Сарахбори Ироқ" йўлига қиёслаганда, бироз жадал ижро суръати, илдам доира усули ва авжларида эса, асосан, намуди Мухайяри Чоргоҳ ривож топганлиги билан тавсифланади. Шунингдек, ашула дебечасида келган "Ҳай ёрингман", "Ҳай ё-рей" каби ундовли-ундалмаларни хофиз ўзига хос бадий машқлар янглиғ бажариб, сўнгра газалини "Ўқиш"га кирилиши ҳам Тошкент ва Фарғона ижодий аъёнларидандир.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизнинг Биринчи Президентини раҳнамолитида ёшларга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилди. Уларнинг яхши билим олиб, соғлом ва баркамол бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бугун ана шу эзгу амаллар қувонарли натижалар бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шу йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган "Ўзбекистон — келажак буюк давлат" деган эзгу мақсадга бўлган ишончини янада

ятини янада ёрқин намён этиши учун хизмат қилади.

Бизнинг марказимизда ҳам қонунда белгиланган ваколатлар юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, улуг санъат

ЁШЛАРГА ИБРАТ МАКТАБИ

мустаҳкамлади. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори Азамат ҲАЙДАРОВ билан мазкур қонун бўйича марказда ташкил қилинаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши Биринчи Президентимиз Ислам Каримов бошлаб берган эзгу ишлар изчиллик билан давом эттирилаётганининг исботи бўлди. Шубҳасиз, қонунда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари ёшларимизнинг орзу-интилишларини талоқ рўёбга чиқариб, билим ва солоҳи-

корларнинг ижодини тарғиб қилиш, ёшлар орасида уларнинг маҳорат мактабига қизиқишни кучайтириш ва рағбатлантириш мақсадида фестивал ҳамда кўрик-танловлар ташкил қилинмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз иқтидори ва истеъдодини тўла намён қилиши учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат. Шунингдек, ёшлар ўртасида бадий ижодиётни, халқ ва ҳаваскорлик санъатини тарғиб қилиш кўзда тутилган.

Албатта, ёшлар орасида устоз санъаткорлар ижодини қадрлайдиган ва уларнинг маҳорат сирларини ўрганишга астойдил интилаётган ёш истеъдод соҳиблари жуда кўп. Фақат уларга эътибор бериш, ғамхўрлик кўрсатиш ва дадил қадам ташлаши учун илҳомлантириш лозим.

Ўзбекистон халқ хофизлари Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов ва Орифхон Ҳотамов ижодини ҳар қанча ўрганса арзийдиган улуг санъаткорлардир. Уларнинг репертуаридан ашула, катта ашула, мақом йўналишида ҳамда ўзбек мумтоз ва замонавий шоирлар ғазалларига басталанган кўпгина асарлар ўрин олган.

Ихлосмандлар ўртасида "хониш санъатининг шахсувори" дея ном қозongan Мулла Тўйчи хофиз ижросидаги "Ушшоқ", "Баёт", "Фигон", "Сегоҳ", "Гиря", "Чоргоҳ", "Илғор", "Сувора", "Қўчабоғи", "Шаҳнози гулёр", "Таронаи дугоҳ", "Синахирож" каби миллий қўшиқлар ижрочилик санъатининг бебаҳо намуналарига, нафосат хазинасининг дурдонала-

Ироқ мақомининг асл йўлида, бошқа мақомлардан фарқи ўларок, хонандалар ижроси учун маълум қийинчилик туғдирувчи (кичик октавада келган) қуйи парда-товушлари ҳам мавжуд. Шу боис мазкур мақом "оғир йўл" тавсифини олган бўлса керак.

Инчунин, Ироқ мақомининг Ҳазрат Навоий газалига ("Не бўлди дарди-ма") асосланган ашула йўли тошкентлик хофиз Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовнинг кенг овоз имконияти ва ижодий талқини ила бетакорор тароват касб этган эди. Бироқ бу йўлга эргшиб ашула айтишни истаганларнинг ҳаммаси ҳам бунга бирдек жазм қилавермаганлар. Чунки хофиз (хонанда) ушбу намунанинг юқори пардаларида намён бўлувчи авжларини маҳоратли қуйлай олиш билан бирга қуйи пардаларида ҳам касбий малакаларини

кўрсатиши зарур. Шу боис атоқли мақомдон устоз Юнус Ражабий Мискин муҳаммасига боғланган Ироқни кўпчилик хофизлар қўлайли учун қўлай бўлган (биринчи октава) "ре" пардасига кўчирган ҳолда унинг авжларига Мухайяри Чоргоҳ намуди асосида янгилашловлар берган эди. Мазкур "Тошкент Ироғи" намунаси Юнус Ражабий томонидан нота ёзувларига олинган "Шашмақом" туркумининг олтинчи жилдига илова қилинган.

"Шашмақом"даги Бузурук мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбалари қаторидан ўрин олган "Бухоро Ироғи" ҳам кўп жиҳатлари билан "Тошкент Ироғи"га жуда яқин ва, эҳтимолки, шу услуб асосида ишланган ашула йўлидир.

"Тошкент Ироғи" ҳар бир хофиз учун касбий маҳорат ва малака намоёйишига айланган ўзига хос ижодий мактаб бўлиб, бу борда ака-ука Шожалиловлар, Орифхон Ҳотамов, Расулқори Мамадалиев, Фаттоҳхон Мамадалиев ва Маҳмуджон Тожибоевларнинг ижролари алоҳида диққатга сазовор.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ, санъатшунослик фанлари доктори

рига айланган. Орифхон Ҳотамов ҳам ўзига хос ижро услубига эга ширадор, ёқимли, қамрови кенг кучли овоз соҳиби бўлган. Хофизнинг "Найлайин", "Қоши ёсини дейин", "Қора бўлибдур", "Сенсан севарим", "Ёр ўтдим", "Ҳолимни сўурсан", "Охиста-охиста", "Субҳидам", "Ватандир", "Пайдо бўлибдур" каби ўзи басталаган кўплаб ашулалари ўзбек қўшиқчилик санъатининг бойлиги, десак муболага бўлмайди.

Ҳар икки санъаткорнинг хонандалик ва созандалик маҳорати, айниқ-рига айланган. Орифхон Ҳотамов ҳам ўзига хос ижро услубига эга ширадор, ёқимли, қамрови кенг кучли овоз соҳиби бўлган. Хофизнинг "Найлайин", "Қоши ёсини дейин", "Қора бўлибдур", "Сенсан севарим", "Ёр ўтдим", "Ҳолимни сўурсан", "Охиста-охиста", "Субҳидам", "Ватандир", "Пайдо бўлибдур" каби ўзи басталаган кўплаб ашулалари ўзбек қўшиқчилик санъатининг бойлиги, десак муболага бўлмайди.

Муносабат

Шуни эътиборга олиб, бу икки устоз санъаткор ижодига бағишланган кўрик-танлов ташкил этишга қарор қилдик. Шу пайтгача бу санъаткорлар ижодини ўрганиш ва тарғиб қилишга бағишланган бундай тадбир ўтказилмагани учун ҳам уларнинг ижрочилиқ меросига эҳтиром кўрсатиш, улуг санъаткорларнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, айтиш шундай интилаётган истеъдодли ёшларни аниқлаш, янги овозларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ва катта сахналарда овоз имкониятларини намён этишга ёрдам бериш хайрли қадам бўлади, деб умид қиламиз.

Танловда ижро этиладиган қўшиқларда мусиқий шакл жиҳатлари, овоз маҳорати, сахнада ўзини тутиш, мусиқа, қўшиқ матни ва либослар уйғунлиги эътиборга олинади.

Айни кунларда вилоятларда ана шу шартларга амал қилган ҳолда кўрик-танловнинг дастлабки босқичлари бўлиб ўтмоқда. Октябр-ноябр ойларида Ўзбекистон давлат консерваториясида тадбирнинг республика босқичи ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги нишонланган кунларда "Туркистон" санъат саройида танлов ғолиблари иштирокида гала-концерт ташкил қилиш ҳам режалаштирилган.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

ЁДГОРЛИКЛАРГА БОЙ ВОҲА



Шу кунга қадар ижодкорнинг "Сулаймон ота хангомалари", "Қаҳлак эртаклари", "Қашқадарё зиёратгоҳлари", "Эл ардоғидаги одамлар", "Эътироф", "Мангулик муҳри" каби ўн бешдан ортиқ китоблари ўқувчилар қўлига етиб борган.

Тиниб-тинчимас ижодкор сўнгги икки йил ичида яна учта китоби билан муҳлисларини хушнуд этди. "Омонхона — шифобахш маскан" рисоласи Ш.Шаропов қаламига мансуб

бўлса, "Исоқ бува зиёратгоҳи" ва "Ёдгорликларга бой гўша" китоблари ўзига ўхшаш фидойи инсон Иброҳим Холиёр билан ҳамкорликда ёзилган.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, Ш.Шароповнинг асл мутахассислиги табиатшунос бўлгани ҳамда ўзидида қизиқиш тўғрисидаги китобларнинг асосий мавзусини табиат буюми ёдгорликлар, юртимиздаги зиёратгоҳ гўшалар ташкил этади.

Маълумки, виқорли тоғлар баргидаги Бойсун туманида жойлашган Омонхона қишлоғи тилисим яширинган мўъжизалар маскани. Ш.Шароповнинг "Омонхона — шифобахш маскан" рисоласида шу қишлоқ тарихи, унинг одамлари,

худуддаги шифобахш булоқлар, мустақиллик йилларида бир ерда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Исоқ бува зиёратгоҳи Қашқадарё воҳасининг Миришкор туманида жойлашган. Бу зиёратгоҳ қўчма қумлардан иборат Помук чўлининг "Нор ўлди" худудиди жойлашган бўлиб, унга республикамизнинг турли масканларидан минглаб одамлар зиёратга келадими. Бу ерда зиёрат мавсими апрел-октябр ойларида давом этади.

Қарши туманида ҳозиргача 120дан ортиқ тарихий ёдгорлик рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 59таси эразмиздан олдинги асрларда бунёд этилган. Туман худудиди жойлаш-

ган Қовчин қишлоғи ҳам машҳур гўшалардан бири. Бу қишлоқда "Ҳазрат имом Мўъйин", "Шах Шамсиддин Халвоний" каби ўнлаб зиёратгоҳлар бўлиб, улар асрлар оша сақланиб, шу кунгача етиб келган. "Ёдгорликларга бой гўша" китобини мутолаа қилган одам Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган қадимий обидалар тарихидан, шу ерда яшаб ўтган буюк алломаларнинг фаолиятларидан хабардор бўлади.

Ҳар учала китоб ҳам ёшларда аждодларидан, Ватанидан фахрланган туйғуларини уйғотиб, уларни ўтмишнинг унутмаслиги ва келажакка ишонч руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.



МИЛЛАТПАРВАР МУАЛЛИМ

1957 йил... Саккиз ёшдан мусиқага меҳр қўйиб, Глиэр номидаги Республика болалар мусиқа мактабидида таҳсил олган Муҳаммадбос ўзини берилган имтиёздан фойдаланмади: ўша даврда мактабни битирганлар Консерваторияга имтиҳонсиз қабул қилинар эди.

Инглиз тили фанига катта қизиқиш уйғотган ўқитувчиси сингари шу тилни мукамал эгаллаш иштиёқи уни Тошкент давлат чет тиллари педагогика институтининг инглиз тили факультетида (ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети) қорлади. Фамилияси ўқишга қабул қилинганлар рўйхатининг бошида турганини кўрганда, у ўқитишнинг кучли билим берганига яна бир бор амин бўлди. Талабчан муаллими кўнглига солган касбга меҳр, иштиёқ Муҳаммадбос Ирискуловни жонқуяр муаллим, моҳир таржумон, фидойи олим, тадбиркор раҳбар ва ташкилотчи сифатида танилишида муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида салкам олти йилдан бери ишлаб келаётган ўқитиш республикадаги инглиз тили ўқитувчилари, юқори маалали таржумонлар, соҳа олимлари яхши билишди. Бу зукко ва билимдон инсон эътибордан тўғиб ўз касбининг устасига айланган, жамиятда макъа ва эътибор тоғлар ораминда талайгина.

“Чет тилини қандай ўқитиш керак?”. Ярим асрдан зиёд вақт мобайнида устоз бу саволга жавоб излашдан чарчамайди. У АҚШ, Европа ва Шарқ мамлакатларида бўлиб, таълим системаларини кузатди, илғор тажрибаларни ўзи ишлайётган университет ҳамда бошқа олий таълим даргоҳлари ўқув жараёнига олиб киришга интилади. Унинг университетидаги таълим даргоҳлари даражасига олиб чиқиш йўлидаги хизматлари бекиёс. Фан дас-турлари ва давлат таълим стандартлари, янги авлод дарсликлари яратилиши, таълимнинг илғор ахборот технологиялари ва методлари жорий этилиши, республикада турли ўқув ва малака ошириш курслари ёки конференциялар ташкил этилиши, халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириши — бу сингари катта меҳнат устоз ҳаётининг ажралмас қисми, мазмунига айланди.

Республика тил ўқитиш маркази дирек-

тори, жаҳон тиллари университети кафедра мудири, декан, проректор, “Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси” раиси сингари вазифаларда устоз ўзини моҳир ташкилотчи сифатида кўрсатди. Кутубхоналарни хорижий адабиётлар билан бойитиш, янги методлар, ўқитиш технологияларини олий ўқув юртида омаллаштириш, инглиз тилини интерактив метод асосида ўқитиш бўлими — IELTS гуруҳларини тузиш — булар барчаси куюнча раҳбарнинг узлуқсиз меҳнатлари натижасида юзга келди.

М.Ирискулов 1971 йили “Ўзбек ва инглиз тилларидаги кишилик, эгаллик ва ўзлик олошлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Инглиз тилининг назарий ва амалий билимдони, дея эътироф этилган олим 20га яқин дарслик ва ўқув қўлланмаларини яхка ҳолда ҳамда ҳаммуаллифликда яратди. “М. Ирискуловнинг “Тилшуносликка кириш” номи асарини ўқимай, тилшунослик бўйича илмий иш қилишни кўз олдимизга келтириш қийин”, дейди филология фанлари номзоди Абдуазим Содиков. Дарҳақиқат, бу китоблар битта мақсад — ўқитишнинг энг мақбул йўллари топиш, таълим савиясини оширишга қаратилган.

Устознинг столида доим Ойбекнинг “Навоий” романи, Абдулла Қодирий, Шекспир ва Марк Твен асарлари туради. “Ўткан кунлар” у кишига ёд бўлиб кетган. Чунки бот бот дарс жараёнида талабаларга бу асардан парчаларни ёддан айтиб, таржима қилишга топшириқ беради.

— Биринчидан, талаба бугунги тилимиз билан бир аср олдинги ўзбек тилини қиёслайди; иккинчидан, унда бадий асар ўқишга иштиёқ туғилади. Бадий адабиётни пухта биладиган талаба чет элга чиқса, хорижлик-

ларда жуда яхши таассурот қолдиради. Агар ўқитувчи бадий асарларни ўқимаса, ҳеч қачон яхши ўқитувчи бўлолмайди, — дейди устоз. — Қолаверса, бугунги кунда тил ўргатишда “маданиятлараро мулоқот” масаласига катта эътибор қаратмоқда. Масалан, инглиз тилини ўрганаётган бўлсак, ушбу тилда сўзлашувчи халқлар маданиятини ўша тил орқали ўрганишимиз, тушунишимиз керак.

Шу билан бирга, биз ўз урф-одатларимизни инглиз тилида тушунириб бера олишимиз керак. Масалан, “савоб” сўзини инглиз тилига таржима қилиб кўринг-чи, қўлолмайсиз. Уни тушунириб бериш керак. Бошқа тилда тушунириб бера олиши учун талаба, аввало, ўзимизнинг кадрларимиз, адабиётимизни яхши билиши керак.

М.Ирискуловнинг фақат таълим жараёнида эмас, балки илмда ҳам ўта талабчан устоз эканлигини шогирдлари қўл таъкидлашади. Жумладан,

2014 йили “Йилнинг энг яхши энциклопедик нашрлари” танловидида биринчи ўринни олган, М.Ирискулов муҳаррирлиги остида чоп этилган “Инглизча-ўзбекча ҳамда ўзбекча-инглизча лугат (80000 сўз)” китоби муаллифи Шавкат Ётаев шундай дейди:

— Мен устоз билан ҳаммуаллифликда “Инглизча-ўзбекча ҳамда ўзбекча-инглизча лугат (70000 сўз)”ни тузиш жараёнида у кишининг ҳар бир ишни сидқидилдан, пухталик билан бажаришига, етти ўлчаб бир кесишига гувоҳ бўлдим. Масалан, инглиз тилидаги битта сўз бирикмаси рус тилига “земляной волк” деб таржима қилинади. Мен уни ўзбек тилига “ер бўриси” деб ўғирдим. Бир қанча мутахассислардан сўрадим, улар ҳам тасдиқлашди. Лекин бу таржима домлага ёқмади. Қўл излашлардан сўнг бу ибора “чўл бўриси” эканлигини топдик. Домла мана шундай кезларда шошма-шошарликка йўл қўймайди, бирор-бир сўзни аниқламагунча лугатга киритмайди.

Дарҳақиқат, М.Ирискулов лугатшунос олим сифатида ҳам самарали фаолият

юртмоқда. У кишининг ҳаммуаллифлиги ва муҳаррирлигида чоп этилган лугатлар, “Сўзлашгич”лар сони талайгина. Айни пайтда устознинг муҳаррирлигида 100000 сўзли лугат нашрга тайёрланмоқда.

Институтда таҳсил олаётган пайтдаёқ таржумонликка киришган М.Ирискуловнинг бу соҳадаги фаолияти ҳам серқирра. Айниқса, олимнинг Ватанимиз бой тарихи, маданияти, фанини дунёга танитишдаги хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. У кишининг сай-ҳаракати билан Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти буюртмалари асосида юртимизнинг буюк сиймолари — Имом Бухорий, Амир Темур, Жалолiddин Мангуберди, “100 буюк сиймо” ҳамда Бухоро, Термиз, Хива сингари тарихий шаҳарларимиз ҳақидаги китоблар инглиз тилига таржима қилинди. Бу китоблар Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари орқали дунёнинг турли бурчақларига етиб борди.

Муҳаммадбос домлани таниган-билганлар у кишини маданиятли, хушахлоқ, миллатпарвар киши деб таърифлашади. Айниқса, хориж сафарларида устознинг ўз халқи ва юрти ҳақида фахр билан гапирганига қўл бор гувоҳ бўлганлар бор. Масалан, шундай сафарлардан бирида устоз халқимизнинг саховати ва бағрикенглигини турли урф-одатлар, тўй ва маросимларда яққол кўриш мумкинлигини айтди. Муайян вақт ўтиб АҚШдан юртимизга ташриф буюрган меҳмонларни тўйларга олиб боради. Устоз бошчилигида келган меҳмонлар қўли кўксига ичкарига, тузалган дастурхонга тақдир қилинади ва хурмат билан кузатиб қўйилади. Хорижлик меҳмонлар бир дунё таассурот ва ҳайратлар билан ўз юртига қайтади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”, “Дўстлик” ордени соҳиби Муҳаммадбос Ирискуловнинг шу кунларда таълим, фан ва раҳбарлик йўналишларида амалга ошираётган ишларини кўриб, ҳавас қилса арзийди. Шундай инсонлар бор экан, касбга меҳр ва фидойилик сабоқлари барчамизга ибрат бўлиб қолаверди.

Нилуфар НАМОЗОВА

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

РАБЛЕНИНГ ҚИРОЛ ДЎСТИ

Моддий қийинчиликлар Ренессанс даври ёзувчиларини четлаб ўтмаганига қарамай, тоқирлик бобида улар билан баҳслашиш қийин эди. Француз романчилигининг асосчиларидан ҳисобланган Франсуа Рабле (1494-1553) Лиондан Парижга етиб олиш учун пули қолмаганида, қутилмаган ишга қўл уради. У ўзи тунаб қолган меҳмонхонанинг кўрнарли ерида “Қирол учун заҳар”, “Қиролича учун заҳар”, “Дофин учун заҳар” деб ёзилган учта қоғозхалта ни қолдиради. Буни кўрган меҳмонхона хизматчилари дарҳол ҳокимият вакилларига хабар беришади.

Орадан кўп вақт ўтмай ёзувчи хибсга олинади ва соқчилар ҳамроҳлигида Парижга, тўғри қирол Франциск I ҳузурига олиб борилади. Ниҳоят, учрашув пайтида қоғозхалталарнинг ичига аслида шакар солиб қўйилгани маълум бўлади. Рабле тезлик билан “заҳар”ни сувга аралаштириб ичиб юборади ва яқин дўсти ҳисобланган қиролга бу ишга нега қўл урганини тушунтиради.

КАТАЕВ ЁРДАМ БЕРМАДИ

Ҳазил-детективлар муаллифи сифатида танилган рус адибаси Даря Донцова болалик пайтидаёқ кўплай ижодкорлар билан мулоқот қилиш имконига эга эди. Унинг отаси ёзувчи Аркадий Васильев хонадонидида таниқли ижодкорлар, шоир ва публицистлар тез-тез меҳмон бўлишарди.

Кунларнинг бирида адабиёт ўқитувчиси Даряга “Валентин Катаев “Оқариб кўринар ёлғиз ёлкан” қиссасини ёзаётганида нима ҳақида ўйлаган?” мавзусида иншо ёзишни топширади. Шунда изланувчан қизалоқ бевосита В.Катаевнинг ўзидан ёрдам сўрайди. Қизиги шундаки, охир-оқибат Даря иншо учун икки баҳо олади. Адабиёт ўқитувчиси унинг дафтарига “Катаев мутлақо бу ҳақда ўйламаган!” дея ёзиб қўяди.

БОЗОРИ ЧАҚҚОН АСАР

Инглиз неоромантизмнинг йирик намояндаси, шотланд адиби ва шоири Роберт Льюис Стивенсон (1850-1894) қаламига мансуб асарлар орасида “Доктор Жекил ва мистер Хайднинг ғайриоддий тарихи” қиссаси мутахассисларда алоҳида қизиқиш уйғотиши бежиз эмас. Илмий-фантастик жанрнинг дастлабки намуналаридан ҳисобланган мазкур қиссанинг ёзилиш тарихи ҳам сирларга бой.

Гап шундаки, асарнинг биринчи қўлёзма нусхаси Стивенсоннинг рафиқаси томонидан ёқиб юборилган. Тахминларга кўра, Стивенсон хоним ушбу ижод намунасини турмуш ўртоғига муносиб кўрмаган ёки унда акс этган воқеалар ишонсиз деб ҳисоблаган. Ҳайратланарли жиҳати шундаки, ёзувчи уч кун ичида қиссани қайтадан ёзиб чиқишга эришган. Ушбу асар шотланд адибига катта шухрат келтириш билан бирга Стивенсонлар оиласини моддий қийинчиликлардан ҳам қутқазган.

ГАРРИ ПОТТЕР ИЗИДАН

Британиялик болалар ёзувчиси Жоан Роулингни Гарри Поттер саргузаштларига бағишланган туркум романлар муаллифи сифатида жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида яхши танишади. Холбуки, 1995 йили Жоан “Гарри Поттер ва файласуфлар тоши” номи биринчи китобини ёзиб тугатганида ўн иккита нашриёт бирин-кетин бу асарни чоп этишдан бош тортган эди. Орадан бир йил ўтгач ниҳоят Лондондаги “Bloomsbury” номи кичик нашриёт китобни босишга розилик билдиради. Шунга қарамай, нашриёт бош муҳаррири Жоанга болалар адабиётида бирор ютуққа эришиши амри маҳоллигини очик айтиб, тирикчилик учун бошқа касб топишни маслаҳат беради. Бу пайтда ҳали ҳеч ким ҳаваскор қаламкаши келажақда катта муваффақият кутиб турганини билмасди. Ж.Роулинг яратган ёш сеҳргар ҳақидаги туркум романлар ҳозир тўрт юз миллиондан ортиқ нусхада сотилиб, ноширлик тарихидаги энг катта қалам ҳақи ишлашга эришган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

Усмонбек ТОШМАТОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“МУВОЗАНАТ БЕШИГИ”

Уста Очилнинг “Мувозанат бешиги” тўплами “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан чоп этилди. Инсон руҳияти мусаввириона тасвирланган, самимий туйғуллар тараннум этилган шеърлар моҳиятат “Онаизор”, “Ҳақиқат ҳаёли”, “Ҳаёл-ҳаёт-шеър”, “Қаноат йўли”, “Илоҳий мужда”, “Ҳайрат овози”, “Тафаккур тўқини” сингари туркумларда берилган.

Янги нашр

Олам манзаралари кенг тасвирланган тўпламда муҳаббат мавзусига бағишланган шеърлар ҳам талайгина. “Кўксингда жимгина шивирлайди ишқ”, “Муҳаббат нурига тўямиз”, “Ҳаёлимда дунёлар яшайди” сингари шеърларда ишқ нури билан мунаввар бўлган кўнгли изҳорлари битилган. Ташбеҳларга бой, тафаккур тўқинларида ёлқинланган мисралар китобхонлар кўнглидан жой олади, деган умиддамиз.

Болалар бекати

БАРЧА МИЛАТ СИЗГА БЎЛСИН



ЧУМОЛИ

Баҳор бўлди тинмайди,
Ғамир-ғамир ўйнайди.
Меҳнат қилиб толмайди,
Чарчамайди, хормайди,
Қиш ғамини у доим
Ёз келганда ўйлайди.

УЙЧА

Жажжи уйчам бор эди,
Ёш қизалоқ пайтимда.
Кучуқчам ётар эди,
Сув берардим қафтимда.

Ўтиб кетди анча вақт,
Ҳамон бордир у уйча.
Фақат энди ҳеч ким йўқ,
Кетиб қолган кучуқча.

ТАБРИК

Бутун бизнинг ҳовлимизда ҳамма жам,
Маликалардай ясонибди олам.
Бахт тилашар дуганаси, дўстлари,
Қўямда ёш, табриқлашман мен ҳам.

Оқ либосда оқ қуш каби учингиз,
Қанот қоқиб ўзга уйга кўчингиз.
Барча тилдак сизга бўлсин, опажон,
Остонангиз нурга тўлсин, опажон!

Умидда АБДУРАИМОВА,
Ниншон туманидаги 14-мактабнинг
7-синф ўқувчиси

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

“Вокал”, “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраларига профессор (1), “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш”, “Мусиқали, драматик театр ва кино санъати”, “Чолғу ижрочилиги” кафедраларига доцент (1), “Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги”, “Саҳна нутқи” кафедраларига катта ўқитувчи (1), “Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати”, “Мусиқий-назарий фанлар” кафедраларига ўқитувчи (1).

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

- ректор номига ариза;
- ишловчининг шахсий варақаси;
- маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
- малака оширганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;
- меҳнат дафтарчаси нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент шаҳар, Яланғоч даҳаси, 127-“а” уй.

Телефонлар: 230-28-02; 230-28-11.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиладин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АҚБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топширилган вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.06

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 3509. Буюртма S — 7169. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

